Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 7 октябрь, шанба • № 79 (10.755) • Эркин нархда сотилади

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни мамлакатда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман!

Она-Ватанимизнинг улкан хирмонига 310 минг тонна «оқ олтин» топшириб, муносиб ҳисса қўшган андижонликларнинг бу катта меҳнат зафари мавсум бошидан буён илғорлар сафига ўтиб, ўз иродаси, ўз иймонига ишониб, сидқидилдан қилинган ҳалол меҳнат натижасидир.

Бу ғалаба, аввалambor, миришкор, қадоқ қўлли, лафзи ҳалол деҳқонлар, ишнинг негизини биладиган бригада бошлиқлари, тажрибали хўжалик етакчиларининг баҳамжиҳат амалга оширган ишлари, туман ва вилоят раҳбарларининг ташкилотчилиги самарасидир.

Бундай ғалабага етиш учун ғайрат-шижоат, мардлик, ваъдага вафо сингари эзгу фазилатлар талаб этилади. Бу фазилатлар бизнинг заҳматкаш халқимизга хос азалий хусусиятлардир. Қадимий Андижон элининг уста пахтакорлари бу мавсумда ана шу олижаноб хусусиятларни яна бир бор ёркин намойиш этдилар.

Сизларнинг бу ғалабангиз барчани қувонтиради, белгиланган режаларимизни адо этишда ишончч ва қанот бағишлайди.

Мана шундай ютуқлар давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳамлашга, унинг қудратини юксалтиришга бебаҳо ҳисса қўшади. Мана шундай меҳнат ғалабаларимиз бизни кўзлаган улуғ мақсадларимизга етказади.

Бугунги қувончли кунда сизларни эришган улкан зафарингиз билан яна бир карра муборакбод этаман!

Қўлингиз дард кўрмасин, ҳорманг-толманг, азиз пахтакорлар! Қалбингиз доимо хурсандчиликка тўлсин, бахту саодат, омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗЖАМҒАРМАБАНК»НИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига кўрсатилаётган банк хизматларининг кенг кўламли тизимини яратиш, эркин пул маблағларининг омонатларда тўпланишидан аҳоли манфаатдорлигини ошириш, аҳолига кредит беришга ҳамда халқ хўжалигининг устун тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилаётган кредит-инвестиция ресурсларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзжамғармабанк», Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш давлат-тижорат банкини бошланғич устав фонди 100 миллион сўм бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Халқ банкининг устав фондини ташкил этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки мол-мулк, молиявий ҳамда аҳоли омонатларининг сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи бошқа мажбуриятлар ва талабномалар бўйича «Ўзжамғармабанк»нинг ҳуқуқий вориси деб ҳисоблансин.

4. Қуйидагилар Халқ банкининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳар бир қишлоқда, аҳоли яшайдиган жойда, ҳар бир хўжалик ҳудудида банк инфраструктурасини яратган, республикада яшовчи ҳар бир киши банк хизматлари тизимидан фойдаланишини таъминлаган, хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказган ҳолда аҳолига кенг кўламли банк хизматлари кўрсатиш;

банкнинг барча муассасалари томонидан аҳолига таклиф этилаётган банк хизматини сифат жиҳатидан яхшилаш ва унинг турларини кенгайтириш;

омонатларнинг янги турларини жорий қилиш ва омонатчиларнинг манфаатдорлигини таъминлайдиган фоиз ставкаларини белгилаш асосида аҳолининг эркин пул маблағлари омонатларга жалб қилинишини рағбатлантириш;

ютуқли омонатлар тизимини жорий қилиш, облигациялар чиқариш ва уларни жисмоний шахслар ўртасида тарқатиш, аҳолини жалб қиладиган шартларда ютуғи дарҳол тўланадиган, мақсадли, кўп тиражли лотереяларни ва бошқа ютуқли тадбирларни ўтказиш;

аҳолининг хорижий валютадаги маблағларини омонатларга жалб қилиш;

аҳолининг товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишининг замонавий тизимини яратиш, шу жумладан, пул маблағларини тезлик билан ўтказишни, пластик карточкаларни жорий қилиш ва бошқалар;

тўлов ҳужжатлари ва бошқа қимматли қоғозлар (чеклар, аккредитивлар, векселлар, сертификатлар)ни чиқариш ва сотиш;

жисмоний ва юридик шахсларга кредит-ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш;

аҳолига банк хизматлари кўрсатиш соҳасидаги жаҳон тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш.

5. Халқ банкининг ташкилий тузилмасига ва 1995-1997 йилларда унинг инфраструктурасини кенгайтиришга оид чора-тадбирларга розилик берилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари Халқ банки таркибий бўлинмаларига унинг тармоғи мавжуд бўлмаган аҳоли яшаш жойларида шахсий жавобгарлик остида, зарур мукаммал тузатишларни амалга оширган ҳолда, бинолар ажратсинлар ҳамда мавжуд биноларни доимий фойдаланиш учун бириктириб қўйсинлар.

Халқ банки ажратилаётган биноларни зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва алоқа воситалари билан таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур банднинг бажарилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 1995 йил якунлари бўйича, кейинчалик эса ҳар ярим йиллик якунлари бўйича ахборот бериб борсинлар, йиғма ҳисоботни 1998 йил 1 январгача тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Халқ банки тақдим этилаётган материалларни умумлаштирсинлар ва республика ҳукуматига зарур таклифлар киритсинлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан жалб қилинадиган пул маблағлари кредит ресурслари сифатида бозор ставкалари бўйича жойлаштирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки:

бир ой муддатда Халқ банки уставини ишлаб чиқсин ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва Марказий банкида рўйхатдан ўтказсин;

1997 йилда Халқ банки марказий аппарати билан унинг ҳар қайси бошланғич бўлинмаси ўртасида компьютерли алоқа ўрнатган ҳолда 1996 йилда минтақа бўлинмаларида, бошқармаларида ва республика банкида маълумотларни автоматлаштирилган тартибда узатиш бўйича ички тизимли компьютер тармоғини босқичма-босқич ташкил этсин;

мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун Нукус шаҳрида, ҳар бир вилоят марказида ва Тошкент шаҳрида ўқув базаси ташкил этсин, бунда икки йил мобайнида барча тоифадаги ходимларни ҳозирги замон банк технологиясига ўқитишни таъминласин;

шу йилнинг 1 ноябридан бошлаб Халқ банкининг бошланғич бўғинидан республика бўғинига-ча бўлган бўлинмалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси омонатлар миқдорининг кўпайишига ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмига боғлиқ бўлишини, шунингдек, белгили муддат хизмат қилганлиги учун устама тўлашни назарда тутувчи меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этсин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизимига доир услубий қоидаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Халқ банки бошқармалари ва бўлинмаларининг аҳолига кенг кўламда банк хизматлари кўрсатиш бўйича мустақиллигини ва жавобгарлигини оширишга доир аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

кўрсатилаётган банк хизматларининг афзалликлари тўғрисида аҳоли ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борсин, бу афзалликларни оммавий ахборот воситаларида кенг реклама қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов икки ой муддатда Халқ банкининг туман, шаҳар, вилоят бўлинмалари раҳбарлари аттестациядан ўтказилишини ташкил этсин, бунинг учун махсус аттестация комиссиясини тузсин.

10. Халқ банки муассасалари 1999 йил 1 январгача солиқларнинг барча турларини тўлашдан озод қилинсин ва бўшайдиган маблағлар тўлов ҳужжатларини автоматлаштирилган тартибда ишлаш ҳамда банк операцияларини ҳисобга олиш бўйича ички тизимли локал комьютер тармоқларини ташкил этишга, моддий-техник базани яратиш ва мустаҳкамлашга, банк муассасалари тармоқларини кенгайтиришга, хорижий консультантларни жалб қилишга, шунингдек, кадрларни ўқитишга ва қайта ўқитишга йўналтирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков Халқ банки марказий аппарати биноси қурилишининг боришини ва унинг 1996 йил январь ойида фойдаланишга топширилишини назоратга олсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Халқ банкининг ҳар бир муассасасини алоқа каналлари билан таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 августдаги 430-сон ва 1994 йил 12 августдаги 411-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 4 октябрь.

Тезкор матбуот гуруҳи хабар қилади

Матбуот штабининг телефонлари:
33-40-48, 33-64-95, 33-64-95,
33-02-92, 33-38-41, 39-12-93.

ТОПШИРИҚҚА ҚЎШИМЧА ЯНА 2 МИНГ ТОННА САБЗАВОТ

БЎСТОНЛИҚ тумани деҳқонлари Президентимиз Фармонлари ва иқтисодий ислоҳотлар дастурини ҳаётга изчил тадбиқ эта бориб, 3 октябрь куни сабзавот тайёрлаш йиллик топшириғини ошириб бажардилар. Эл дастурхонига 35096 тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

Туман сабзаводчиларининг катта меҳнат зафарига «Сойлиқ», «Енгбек», Абай номли, Н. Боймирзаев номли, «Бўстонлиқ» ва «Хўжакент» жамоа хўжаликларининг миришкорлари ҳамда «Пиллачилик» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли муносиб ҳисса қўшдилар.

Далаларда ҳали ҳосил мўл. Туман деҳқонлари ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 2 минг тонна сабзавот маҳсулотлари сотишга аҳд қилдилар.

Туман хўжаликларида меҳнаткашлар дастурхонига мева-узум етказиб бериш ҳам жадал олиб борилмоқда. Ҳозиргача давлатга 4 минг тоннадан зиёд мева ва 2500 тоннадан зиёд узум сотилди.



Ҳар қачонгидек бу йил ҳам Чирчиқ шаҳар меҳнаткашлари Ўртачирчиқлик пахтакорлар билан ёнма-ёнлар. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари Турсунбой Ниёзтоев (суратда олдинда) ҳашарчиларнинг олдинги сафида бормоқда, кунига 70-80 килограммдан пахта териб, ишчиларга намуна кўрсатмоқда. Суратда: Т. Ниёзтоев.

А. МАЛЬЦЕВ суратга олган.

15 ТА БРИГАДА МАРРАДА

БЎКА туманида бугунгача 15 та бригада пахта тайёрлаш йиллик топшириғини адо этиб, мажбурият ҳисобига хом ашё етказиб бермоқдалар.

Ғ. Азаматов номли жамоа хўжалигидан Пўлат Муқимов бошлиқ бригада миришкорлари 46 гектар майдондан 120 тонна, Турсунбой Азаматов бошлиқ бригада аъзолари эса 51 гектар майдондан 144 тонна пахта топшириб режани ошириб адо этдилар. Бу бригадаларнинг деҳқонлари топшириққа қўшимча яна камида 35 тоннадан «оқ олтин» топшириб, ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерданга етказишмоқчи.

Шунингдек, тумандаги «Паркент» жамоа хўжалигидан Шариф Турсунқулов, «Равот» жамоа хўжалигидан Жумабой Байрамов бошлиқ илғор бригадаларнинг миришкорлари ҳам дастлабки маррани эгаллаб, эл хирмонига қўшимча хом ашё топшира бошладилар.

Х. НОСИРОВ.

ИККИ БЕШ КУНЛИК ҒОЛИБЛАРИ

1995 ЙИЛ пахта йиғим-теримида энг юқори кўрсаткичларга эришган туманларга Тошкент вилояти хокимлигининг мукофотларини бериш юзасидан навбатдаги беш кунликларга якун чиқарилиб, ғолиблар аниқланди.

26 сентябрдан 30 сентябргача бўлган беш кунликда 7702 тонна пахта тайёрлаб, 21,16 фоиз ўсишга эришган Ўртачирчиқ туманига биринчи ўрин ва 30 минг сўм пул мукофоти берилди. Шу давр ичида 3642 тонна пахта топшириб, 18,97 фоиз ўсишга эришган Юқоричирчиқ тумани иккинчи ўрин ва 20 минг сўм пул мукофоти ҳамда 6346 тонна пахта тайёрлаб, 16,42 фоиз ўсишга эришган Оққўрғон тумани учинчи ўрин ва 10 минг сўм пул мукофотига сазовор бўлдилар.

1 октябрдан 5 октябргача бўлган навбатдаги беш кунликда 5590 тонна пахта тайёрлаб, 14,47 фоиз ўсишга эришган Оққўрғон тумани биринчи ўринни, 5064 тонна пахта тайёрлаб, 14,11 фоиз ўсишни таъминлаган Ўртачирчиқ тумани иккинчи ўринни ва 5143 тонна пахта тайёрлаб, 14,09 фоиз ўсишга эришган Куйичирчиқ тумани учинчи ўринни эгаллади.

«ГУЛИСТОН»ЛИКЛАР ЗАФАРИ

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги «Гулистон» халқ корпорацияси меҳнаткашлари ҳам давлатга пахта топшириш режаларини адо этдилар. Улар вилоят хирмонига қўшган улуш 2200 тоннадан ошиб кетди. Янги ҳосилнинг 90 фоизга яқини биринчи навларга топширилди.

Бу маррани эгаллашда Акром Содиқов, Исроил Юсупов бошлиқ бригадалар аъзоларининг ҳиссаси айниқса катта. Бу жамоаларда ўртача ҳосилдорлик гектарига 32 центнерданни ташкил этди.

Мавсум бошидан бери юксак унум билан ишлаб келаётган Сарибой Тулеев, Абдушукур Ҳасанов каби механизаторларнинг ҳар бири шу кунгача 180-190 тоннадан пахта териб ўз ҳамкасблари орасида олдинги сафда бормоқдалар.

Корпорацияда етиштирилган ҳосилнинг 60 фоизидан кўпроғи машиналарда териб олинди. 16 та терим агрегати тинимсиз ишлаб турибди.

МУСОБАҚАДОШ ДУГОНАЛАР

Н. Юсупова, С. Умарова, Н. Махсудовалар 26-ўрта мактабнинг 8-синфида ўқишади. Улар мактабда яхши ўқиш билан бирга жамоа ишларида ҳам фаол қатнашадилар. Ҳар йили пахта йиғим-теримига чиқиб, ўз ота-оналарига, бригада аъзоларига яқиндан ёрдам беришади. Улар бу йил ҳам пахта йиғим-теримида илғорликни қўлдан бермаяптилар.

Чевар қизларнинг кундалик ўртача терган пахтаси 50—60 килограммни ташкил этмоқда.

А. МАТҚУЛОВ,
Юқоричирчиқ тумани.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 6 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

биринчи устун - туманлар, иккинчи устун - бир кунда, учинчи устун - мавсум бошидан буён, тўртинчи устун - машиналарда бир кунда терилган пахта, бешинчи устун- мавсум бошидан буён

Ўртачирчиқ	3,34	88,52	2,75	73,35
Оққўрғон	3,57	73,11	3,77	49,18
Юқоричирчиқ	3,07	68,59	3,15	71,70
Бекобод	2,94	68,37	1,23	9,40
Бўка	3,15	67,66	1,38	27,78
Чиноз	2,50	62,64	2,20	45,69
Янгийўл	2,20	61,02	1,03	25,33
Қуйичирчиқ	3,31	54,81	3,44	52,26
Пискент	1,91	43,03	0,64	12,94
Вилоят бўйича	**3,03**	**66,36**	**2,25**	**40,01**
1994 йилда бўлган эди	**3,37**	**47,22**	**2,82**	**31,21**

* * *

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 6 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ		«Пахтачи»	38,17
«Гулистон»	82,56	Ҳамза номли	36,91
«Озод»	80,64	ОПБ	—
«Хонқа»	75,62	**ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ**	
Охунбобоев номли	75,42	«Гулистон»	89,08
Сегизбоев номли	74,89	«Ўзбекистон»	76,59
«Маданият»	74,32	«Политотдел»	75,22
«Оққўрғон»	73,93	Яссавий номли	72,46
«Қаҳрамон»	65,69	«Юқоричирчиқ»	54,02
А. Икромов номли	59,06	Жамбул номли	42,93
«Ўзбекистон»	58,00	«Ийкота»	32,21
Навоий номли	55,58	ОСЛК	20,30
«Султонобод»	55,19	У. Юсупов номли	—
Х. Олимжон номли	54,88	**ПИСКЕНТ ТУМАНИ**	
Фермерлар	16,29	Дўстбеков номли	55,30
СПТУ-№ 42	—	Навоий номли	52,44
БЕКОБОД ТУМАНИ		«Пискент»	51,23
Навоий номли	86,60	«Туркистон»	47,97
«Хос»	85,39	«Мустақиллик»	39,64
Бобур номли	76,68	«Қирққизобод»	38,18
«Деҳқонобод»	70,15	Охунбобоев номли	36,02
«Ўзбекистон»	68,80	Фермерлар	27,83
«Ғалаба»	67,76	Ҳайдаров номли	27,40
«Фарҳод»	63,72	Қодиров номли	27,16
«Бекобод»	63,67	«Ўзбекистон»	25,41
«Навбаҳор»	59,05	Бошқалар	20,47
Улуғбек номли	59,00	**ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ**	
Ойбек номли	53,93	**Охунбобоев номли**	**111,69**
«Далварзин»	51,53	**«Гулистон»**	**104,14**
Мавлонов номли	49,36	«Ўзбекистон»	95,73
«Авангард»	48,01	«Ўртасарой»	95,46
«Сарюз»	46,97	А. Икромов номли	91,66
«Турон»	46,60	Таш МСХ	88,24
БЎКА ТУМАНИ		«Северний маяк»	84,33
«Гулистон»	**108,00**	«Ҳақиқат»	83,58
«Ачамайли»	97,16	«Роватак»	82,00
Азаматов номли	87,91	«Қайтмас»	80,02
Саймоқов номли	87,35	«Янги тўлқин»	77,45
«Бўстон»	81,53	«Янгитурмуш»	76,87
«Ровот»	77,00	«Қорасу»	75,52
Б. Умаров номли	75,58	Ким Пен Хва номли	68,60
«Мустақил Ўзбекистон»	73,66	«Истиқбол»	61,51
«Қашқадарё»	72,01	«Ташдад»	54,73
«Паркент»	71,96	Навоий номли	52,71
Жамбул номли	71,75	**ЧИНОЗ ТУМАНИ**	
Йўлдошев номли	63,41	Амир Темур номли	89,90
Фермерлар	62,20	«Гулзоробод»	77,18
Хожиматов номли	60,49	Навоий	76,03
Навоий номли	60,12	«Ўзбекистон»	71,74
«Дўстлик»	59,62	«Дўстлик»	70,76
«Бахмал»	57,93	Т. Охунова номли	70,48
«Хўжақўрғон»	54,38	«Йўл тушган»	68,09
«Бўка»	53,92	С. Рахимов номли	62,58
«Туркистон»	53,86	«Янгиобод»	61,26
Бўрдоқичилик базаси	47,50	«Эшонобод»	58,92
Бошқалар	45,61	Т. Эрназаров номли	42,19
«Кўкорол»	44,78	Фермерлар	37,92
Ражабов номли	43,30	Охунбобоев номли	32,91
Улуғбек номли	41,28	«Чиноз»	29,19
ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ		**ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ**	
«Ўжакент»	87,81	Ортиқов номли	74,15
«Тошовул»	73,69	«Дўстлик»	72,34
«Гулистон»	69,83	«Тинчлик»	70,95
Улуғбек номли	63,12	ЎзМИС	68,24
«Юлдуз»	62,54	«Қовунчи»	64,83
«Дўстлик»	62,29	«Ниёзбоши»	59,19
«Ўзбекистон»	60,45	«Озод»	59,02
«Меҳнатобод»	58,17	УзМЭИ	58,06
«Янгиҳаёт»	50,15	Мирзабобоев номли	52,51
Беруний номли	38,36	Турсунқулов номли	47,74
		Н. Ниёзов номли	46,20
		«Янги ҳаёт»	30,15
		ЯБО Умид	9,89

• ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 •

ДИҚҚАТ, ОБУНА БОШЛАНДИ!

Муҳтарам газетхонлар!

Шу йилнинг 1 октябридан барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар, шу жумладан «Тошкент ҳақиқати» учун 1996 йилга обуна бошланди.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлсангиз йил давомида пойтахт вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт хусусида тўлиқ тасаввурга эга бўласиз. Ўзбекистон жаҳон ҳамда қўшни давлатлардаги янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлиб борасиз. Газетада адабиёт, санъат, маданият, маънавият, спорт ва сизларни қизиктирган бошқа мавзуларга ҳамда тадбиркорлик ва ишбилармонлик борасидаги ютуқлар ва муаммоларга кенг ўрин берилади. Кўпчилик учун зарур эълон ва билдирувлар, турли рекламалар, ҳафталик телекўрсатувлар дастурлари ҳам мунтазам чоп этилади.

Шуни айтиш керакки, «Тошкент ҳақиқати» дўконларга кам чиқарилади. Унинг эркин нархларда сотилиши қимматга тушиши ҳам мумкин. Шу сабабли обуна бўлиб газетага ёзилсангиз шубҳасиз фақат ютасиз.

«Тошкент ҳақиқати»нинг обуна баҳоси бошқа нашрларга нисбатан бирмунча арзонроқ. Вилоят аҳолиси учун:

бир йилга — 606 сўм 60 тийин,
олти ойга — 303 сўм 30 тийин,
уч ойга — 151 сўм 65 тийин,
бир ойга — 50 сўм 55 тийин.

Агар сиз Тошкентда яшаётган бўлсангиз, обуна бундан ҳам арзонга тушади:

бир йилга — 516 сўм,
ярим йилга — 258 сўм,
уч ойга — 129 сўм.

Абонент қутичаларидан фойдаланадиган тошкентликлар эса бундан ҳам озроқ ҳақ тўлайдилар:

бир йилга — 432 сўм,
ярим йилга — 216 сўм,
уч ойга — 108 сўм.

Корхона, ташкилот, муассалар учун ҳам, якка тартибда обуна бўлувчилар учун ҳам ана шу нарх белгиланган.

«Тошкент ҳақиқати»нинг нашр кўрсаткичи аввалги йилгидек — 65672.

Қадрдон газетангизга обуна бўлишга шошилинг!

Туркистон — умумий уйимиз

ТАРИХИЙ БИРЛИК ҲАҚИҚАТИ

Биз — бешта қудратли шох бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор.

Бизнинг — тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва ўзбекларнинг — тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ.

И. КАРИМОВ.



МИЛЛИЙ Мустақиллик мафкураси ўзининг муҳим йўналишларига эга бўлиши, менимча фақат ватанимиз равнақи учунгина эмас, балки Марказий Осиё давлатлари билан, қолаверса жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорликни юзага келтиради. Булар:

— ўзбек миллий мафкураси — дўстлар мафкурасининг истиқболий қадр-қимматларини ўзлаштирган ҳолда қудратлидир. Мафкура бобида ўзбек халқи урф-одатлари, расм-русумлари, ахлоқи, одоби, умуман инсоний қадриятлари бошқа халқлар мафкурасидан кейинда турмайди. Ўрганишга, ўзлаштиришга арзийдиган жиҳатлари оз эмас.

— мафкура ҳеч қачон ягона бир миллатга мансуб эмас. У ўз ҳудудида яшовчи халқларнинг илғор ғоя ва тушунчаларини умумлаштириб, обдон пиширгандан кейин ўша ҳудуд халқи номидан талқин қилинади. Шунинг учун ўзбек мустақиллиги, мафкураси деганда, шу ҳудудда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакилларини ҳам тушунмоғимиз керак.

Ўз вақтида рус файласуфи Чернишевский «Миллатнинг муҳим бойлиги — халқнинг маънавий қиёфасидир» деб ёзган эди. Сталин сиёсати туфайли Марказий Осиё халқларининг муҳим бойлиги тилка-тилка қилинди. Сталин ўтмиши бой халқларнинг кучайиб кетишидан қўрқди: шунинг учун бир бутун Марказий Осиёни майдалаб ташлади, бир бутун туркий миллатларни эса туркман, ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ сингари миллатларга бўлиб юборди. Бу майдалаб бошқариш сиёсати эди, бу қонли сиёсат эди. Сталин шу тарзда туркийларнинг насл-насабини унуттиришни, кейин бир туғишган элни, миллатни манқурт даражасига етказишни ва уларнинг ўрталарида доимий қонли низолар уйғотишни, элини пахта қулига айлантиришни, бойлигини талашни, табиатини ғорат этиш кўзда тутган эди. Сталин бу қабиҳ ишларни амалга ошириш учун бир туғишган элнинг ёзувини ўзгартирди. Оқибатда Марказий Осиё халқлари ўз тарихини ўқиёлмай қолди, миллий мафкура йўқ қилинди. Мана, бизнинг фожиамиз. Энди биз ишни қайтадан бошлаяпмиз, топталган ёзувимизни, бир туғишганлигимизни, табиатимиз ва ғуруримизни тиклаяпмиз. Бу қийин иш, бироқ бунга эришишнинг бир калити бор, бу калит Туркистон элининг бирлигидир. Энг оғир дамларда ҳам эл бир бўлса, уни ҳеч қандай куч енголмайди. Боиси ўз миллий мафкураси бор миллат бошқа миллатни ҳам кўз қорачиғидай эъзозлайди.

Президентимиз Ислом Каримов республика Олий Мажлиси иккинчи сессиясида «Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади», деган ўша ибратли, ниҳоятда пурмаъно ғоя-эътиқодни миллий истиқлол мафкурамизга сингдириб юбордилар.

Айни бир пайтда республикалар истиқлоли бу сиёсий-иқтисодий ва маданий-ахлоқий аҳамиятга эгадир. Ҳар бир республикада ўнлаб, юзлаб миллат ва элатлар истиқомат қилади. Ўша миллат ва элатлар қайси республикада яшамасинлар ўз тенг ҳуқуқига эга бўлиб, эркин тараққий қилгандагина Мустақиллик ўз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мақсадларига эришади. Баъзан Россия оммавий ахборот воситалари ва телерадиоэшиттиришлар — биз Марказий осиёликлар, бирлигимиз, тарихан ҳамюрт эканлигимизга рахна солмоқчи бўлишмоқда. Айниқса сўнгги икки-уч йил ичида бу яна кучая бошлади. Ваҳоланки, Ўш вилоятида азалдан ўзбеклар, Самарқанд ва Бухорода азалдан тожиклар, Чимкент вилоятининг Туркистон шаҳрида, Сайрам туманида, Ленинобод ва Тошховуз вилоятларининг кўпгина туманларида ўзбеклар этнографик жиҳатдан ҳудудга бўлинмаган ҳолда яшаб келишган ва яшашмоқда. Жанубий Тожикистонда ўзбекнинг лақай ва қўнғирот уруғлари яшашади. Россия телевидениеси, баъзан уларнинг рўзномалари «ўша ерда яшовчи ўзбеклар маҳаллий аҳоли эмас, қирғизлар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар яшаши керак», деб ҳудудий бўлиниш сиёсати орқали миллатлар, минг йиллик халқлар дўстлигини бузиб талқин қилишга уринмоқдалар. Бу эса уларнинг — тарихий ҳақиқатни билмасликларидир!

Сўнгги йилларда Марказий Осиё республикалари раҳбарларининг учрашувларида, айнан миллий онгимиз, миллий-маънавий бирлигимиз ҳам урф-одатларга, ҳам диний эътиқодларга кўра якдил эканлиги қайд қилинди, улар халқларимизнинг тарихий бирлиги ҳақида баралла айтилмоқда. Маълумки, тарихий жараёнларнинг ривожланишида, унинг нормал изга тушишида шахсларнинг роли катта бўлган. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов айни халқ дилида турган тарихий истиқлол сиёсатини ўтказмоқда. Халқимизни боши берк кўчадан олиб чиқиш, ҳозирги бозор иқтисоди шаклланаётган пайтда уни аниқ бир изга солиш, фаровонликни яратиш қанчалик зарурат, ҳаётий мақсад эканлигини англаб етмоқдамиз.

Жумладан, 1989 йил 21 октябрь республикамиз аҳли томонидан қувонч билан кутиб олинди: ўзбек тилига Давлат мақоми берилди, 1990 йил 21 мартдан Наврўзга қайтдик, урф-одатларимиз, ўзлигимиз, ўз миллий онгимизни тикладик ва 1991 йил 1 сентябрдан ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам маърифий-маданий жиҳатдан мустақил давлатга айландик. 1992 йил 8 декабрда биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Асосий Қонунимизда «фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш» бош вазифалардан бири эканлиги қатъий таъкидланади. Демак, бунга она-Ватанимиз яққол мисол бўла олади. Чунки бу диёр халқлар дўстлиги масканидир. Олти йил аввал аҳоли рўйхати ўтказилганда, Ўзбекистонимизда 126 миллат, элат ва этник гуруҳлар яшаётганлиги қайд қилинди. Тарихан дўстлик, биродарлик ўлкаси бўлган республикамиз Марказий Осиё минтақасида ҳам нуфузли ўринни эгаллайди.

Меҳрибон ва раҳимли Оллоҳ номи билан бошлайман. «Қуръони Карим»нинг «Иккинчи жузъ» 143-сурасида «сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик» деганида миллат ва халқлар дўстлигининг метиндек мустаҳкам бўлиши мақсад сари ҳалол ва покиза меҳнат қилиш зарурлиги қайд қилинган. Зотан Конституциямизнинг асосий йўналиши ҳам шунга қаратилгандир. У энди ўзбекистонликларнинг қомуси — йўлчи юлдузи бўлиб қолди.

Ўзбекистон давлати мустақиллигининг ҳамда пойдевори миллий дўстлик ва ҳамкорлик, тарихий бирлиги — мафкурамизнинг асосий умуминсоний ва миллий қадриятларининг тўрт йилда янада равнақ топиши ва мустаҳкам бўла бориши катта оламшумул тарихий аҳамиятга эгадир. Тарихий бирлигимиз ўзининг истиқболли истиқлол мевалари ҳосилини бермоқда.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Иқтисодчи минбари

СЎМ ҚАДРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ўз мустақиллигининг 4-йиллигини катта тантана билан нишонлади. Бу қисқа давр ичида Республикамиз ҳаётида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бугунга келиб Ўзбекистон жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Хукуматнинг оқилона сиёсати туфайли Республикамиз сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришди.

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага чиқариш билан бирга уни мустаҳкам валюта бўлишини, эркин айирбошланувчанлигини таъминлаш борасида ҳукумат ва марказий банк томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиёт қонунларидан ҳаммамизга маълумки, миллий валютанинг мустаҳкам бўлиши бир нечта шартларни талаб қилади. Нақд пулнинг товар массаси билан тенг бўлиши эса уни инфляция ва ортиқча эмиссия (муомалага ошиқча пулнинг чиқиши)дан сақлайди.

Ички бозорни товарлар билан тўлдириш, халқ эҳтиёжини қондириш мақсадида Президентимиз томонидан хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Тадбиркорларнинг четдан мол олиб келиши кундан-кунга ошиб бормоқда. Бундан ташқари ҳозирги кунда Республикамиз ҳудудида кўплаб чет эл фирмалари ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқдалар.

Миллий валютани мустаҳкамлаш мақсадида 1994 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин айирбошланувчи валютада савдо амалларини бажариш, хизматлар кўрсатиш бекор қилинди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги 499-сонли «Ўзбекистон Республикаси валюта бозорини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Марказий банк томонидан 1994 йил 13 октябрда 88-сонли «Марказий банк томонидан сўмни эркин айирбошланувчи валютага имтиёзли конвертация қилиш ҳуқуқини берувчи патент бериш тартиби» ишлаб чиқилди. Бу эса ўз навбатида четдан мол олиб келишда қулайлик яратиш имконини беради. Бугунги кунга келиб Республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган 300 дан ортиқ фирма, корхона ва жисмоний шахслар сўмни имтиёзли конвертация қилиш ҳуқуқини берувчи патентни олганлар.

Вилоят туманларида булар қаторида фаолият кўрсатувчи фирма ва корхоналар кўп эмас. Улар сонини кўпайтириш учун туман ҳокимликлари банк муассасалари билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Табиийки, кўпчиликда патентларни қаердан ва қандай олиш мумкин, деган савол туғилади.

Сўмни эркин айирбошланувчи валютага имтиёзли конвертация қилиш ҳуқуқини берувчи патент Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қуйидаги шартлардан келиб чиққан ҳолда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банк томонидан 1995 йил 16 августда тасдиқланган «Сўмни эркин айирбошланувчи валютага имтиёзли конвертация қилиш ҳуқуқини берувчи патент олиш учун резидент бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг сўровномаларини кўриб чиқиш тартиби»га асосан кўриб чиқиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) ҳуқуқий шахслар учун:

— сўровнома;

— товарларни сотиш ва хизматлардан касса тушуми ҳисобига тушган сўм маблағларининг ҳисоб варағидаги қолдиқлари ҳақидаги банк маълумотномаси;

— ваколатли банкнинг жорий валюта ҳисоб варағи мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

— Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «VISA» карточкаларининг мавжудлиги ва улар бўйича бажарилган операциялар ҳажми ҳақидаги маълумотномаси:

— олиб келинган ва сотилган товарлар рўйхати (божхона хизматининг товарни четдан олиб келинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси билан бирга);

— корхона Уставининг (Низомининг) нотариусда тасдиқланган нусхаси;

— Ўзбекисон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси.

б) ҳуқуқий шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун;

— ариза;

— товар (хизмат)ларни сотишдан тушган касса тушуми ва жорий ҳисоб варағини мавжудлиги ҳақида банкнинг маълумотномаси;

— ваколатли банкнинг жорий валюта ҳисоб варағи мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

— Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «VISA» карточкалари бўйича бажарилган операцияларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотномаси;

— четдан олиб келинган товарлар рўйхати (божхона хизматининг товарни четдан олиб келинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси билан бирга);

— доимий яшаш жойидаги ҳокимлик томонидан жисмоний шахсни тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги Гувоҳноманинг нусхаси.

Патент олиш учун топширилган ҳужжатлар мурожаат қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида кўриб чиқилади. Патент бериш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солиш ва ташқи алоқалар департаментининг лицензиялаш бўлими томонидан амалга оширилади. Патент Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг муовини томонидан имзоланади ва Марказий банкнинг гербли муҳри билан муҳрланиб, қайд қилиш китобига ёзиб қўйилади.

Имтиёзли конвертация қилиш ҳуқуқини берувчи патентни бериш рад этилса бу ҳолда унга Марказий банк томонидан тўла асосланган изоҳ берилади.

Сизни қизиқтирган саволлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, Марказий банкнинг Тошкент вилояти бошқармасига ёки жойлардаги банк муассасаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Бу ишлар миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш омилларидан биридир, зеро миллий валюта кучли бўлгандагина иқтисодиёт ҳам бақувват бўлади.

А. МИРЗАХОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент вилояти бошқаруви валюта иқтисодиёти бўлимининг етакчи нозири.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ УЧУН

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати жамоаси асосий маҳсулотлар қатори бевосита истеъмол бозорини тўлдиришга ёрдам берувчи, яъни фуқароларнинг кундалик турмушлари учун зарур бўлган қатор буюмлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқда. Шу мақсадда кичик корхоналар, мавжуд корхоналарнинг цехлари, бўлимлари ташкил этиляпти.

Пайпоқлар, аккумуляторлар клеммалари, полиэтилен маҳсулотлари, юк ташиш аравачалари, телевизорлар, оҳак, электрод ва бошқа маҳсулотлар шулар жумласига киради. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи давомида икки миллион сўмликдан ортиқ полиэтилен ва ундан тайёрланган рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилди. Савдо шохобчаларига сотиш учун етказиб берилган аравачалар бир минг уч юздан ҳам ошиб кетди. Бозор кўплаб талаб қилаётган аккумулятор клеммаларидан бир минг тўрт юзтага яқин тайёрланди. Буюртмачиларга юборилган пайпоқлар сал кам 140 минг жуфтни ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси истеъмол бозорининг шундай маҳсулотларга нисбатан талабини муайян даражада қондиришга улуш бўлиб қўшилмоқда.

М. ҲАМИДОВ.

МУҚАДДАС НЕЪМАТ



КЕЧАГИДЕК ёдимда. Биз ҳали ёш бола эдик. Отам эрталаб танча атрофида ўтириб чой ичаётганимизда ҳар хил ҳикматлардан айтиб берардилар. Уларни жим ўтириб тинглар эканмиз, ҳикоянинг охири нонни, унинг ушоғини қадрлаш, умуман, ноз-неъмат яратувчи кишиларни алоҳида ҳурматлаш билан боғлиқ мазмунда якунланар эди. Билмадим, балки болалигимдаёқ нонга, ғаллага, донни етиштирувчиларга нисбатан меҳр дилимга жо бўлиб қолганиданми, фаолиятимни ана шу соҳа билан боғладим.

Уруш йилларида, ундан кейинги турмуш тарзи анча оғирлашиб кетган пайтларда деярли барча оилалар нон қанчалик азизлигини, у рўзғоримизнинг бош неъмати эканлигини дилдилдан ҳис этдилар.

Ўтмишдаги бу воқеаларни хотира сифатида ёдга олишим бежиз эмас. Юртбошимиз республикамизда ғалла мустақиллиги учун курашни энг муҳим ва долзарб вазифа сифатида белгилаб, уни иқтисодий ислоҳотлар тизимидаги асосий омил, дея алоҳида таъкидлаганларида, ич-ичимдан қувондим. Чиндан ҳам республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ғаллачиликни ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Қорни тўқ, уйидан нони аримайдиган одамгина кўнгли хотиржам топиб, ишига, меҳнатига меҳр қўяди. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги мураккаб шароитларида Президентимиз белгилаб берган беш тамойилдан бири — аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ғаллачиликни ривожлантириб бориш муҳим ўрин тутади.

Бу йил Тошкент вилояти ғаллакорлари ҳам астойдил ишладилар. Далаларда етиштирилган ҳосил мўл бўлди. Туманлар, бир қатор жамоа хўжаликлари 30-35 центнерга, бригадалар 50-60 центнерга етказиб ҳосил олдилар. Бу ўз масъулиятини чуқур тушунган азамат деҳқонларимизнинг фидойи ишлари самарасидир.

Зиммамизда ҳосилни нес-нобудсиз, талон-тарожсиз қабул қилиб олиш, сифатли сақлашдек вазифа турарди. Бу жараённинг нозик томони шунда эдики, вилоятда биринчи бор бунчалик ғалла кўп экилганлиги боис, маҳсулотни жойлаб олиш учун мавжуд омборлар торлик қиларди. Тезда қўшимча тадбирлар белгиланди. Шундан кейин Бўка, Бекобод, Оққўрғон, Паркент туманларида ғаллани қабул қилиб олиш учун мавжудларидан ташқари, қўшимча жойлар очилди. Бу ёрдамчи омборлар донни тушириб олишга мўлжалланган зарур техника, тарозилар, ҳарорат ўлчагичлар билан таъминланди. Хирмонларга энг масъулиятли, синалган кишилар жалб этилди. Айни пайтда барча қабул пунктларида техника кўриги ўтказилди. Ёнғиндан хавфсизлик чоралари кўрилди.

Ана шундай ҳаракатлар туфайли ҳали ўрим-йиғим бошланишига бир ойча вақт қолгандаёқ дон қабул қилишга дахлдор барча корхоналарда транспортерлар, кўчма юк юклаш ва тушириш ускуналари, айланма тасма ёрдамида маҳсулотни омборга ташишга мослашган, механизациялашган агрегатларнинг тахтлиги таъминланди. Пухта ҳозирлик ишимизда кутилган самарани берди. Вилоят ғаллазорларида етиштирилган 216 минг тонна дон сифатли қабул қилиб олинди. Шу жараёнда Бўка, Бекобод, Оҳангарон, Тошкент дон маҳсулотлари, Тошкент 1-ун корхонаси ҳиссадорлик жамиятларига, Тўйтепа маккажўхори уруғини саралаш жамоа корхонасига қарашли қабул пунктлари ишчилари алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Бу жойларда ғалла юксак уюшқоқликда ва сифатли қабул қилинди, ҳеч қандай эътирозлар бўлмади.

Шуни айтиш кераккки, бу йилги мавсумдан ўзимизга тегишли сабоқ ҳам чиқариб олдик. Бундан буён вилоятда ғалла экиладиган майдонлар кўпайиши муносабати билан бир қатор туманларда сақлаш учун омборлар қурилади, айрим бинолар ана шу мақсадлар учун қайта таъмирланиб мослаштирилади. Вилоят ғалласини тўхтовсиз қабул қилиб олиш учун нимаики зарур бўлса, шу ишлар амалга оширилади.

Биз омборларга ғаллани жойлаб олгач, навбатдаги муҳим вазифага киришдик. Маҳсулотни сифатли сақлаш ва донни ун қилиб, нон қилиб халққа етказиб беришдан иборат бу иш ҳам маромида бормоқда. Қўшимча омборлардаги ғалла маҳсулотни қайта ишлайдиган «Оҳангарондон», «Чиноздон», «Янгийўлдон» каби бир қатор ҳиссадорлик жамиятларига ташиб олинди. Туманларда вақтинча очилган майдонлар, омборлар бўшатиб берилди.

Биз ҳиссадорлик жамияти номини олганимиздан кейин ислоҳотларни янада чуқурлаштириб боряпмиз. Ишга янгича муносабат туфайли «Бекободнон», «Тошкент нон шаҳри» жамоа корхоналари», «Тошкент шаҳар дон қабул қилиш корхонаси», «Олтин бошоқ», «Тошкентдон маҳсулотлари» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Оҳангарондон», «Янгийўлдон» «Чиноздон», «Бекободун», «Олмалиқнон», «Ангреннон», «Чирчиқнон» ҳиссадорлик жамиятларида бир қатор технологик ўзгаришлар рўй берди. Уларда меҳнат унумдорлиги ортди. Донни сақлаш сифати яхшиланди, хусусан «Чирчиқнон» ҳиссадорлик жамиятида унни қопсиз сақлаш қурилмаси фойдаланишга топширилди. Бошқа корхоналарда ҳам кўпгина янги ихтиролар жорий этилди.

Иқтисодий ислоҳот одимлари

Акционерлик жамиятларида очилган қўшма, кичик корхоналар, цехларнинг хизмат кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, Германиянинг «Винклер», Туркиянинг «Экмосан», Россиянинг «Рус печи» фирмалари билан ҳамкорликда Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари, Юқоричирчиқ туманида, Бўстонлиқ туманидаги Ғазалкент шаҳрида, Чорвоқ қўрғонида, Ўртачирчиқ туманидаги Чиғириқ қўрғонида «Иссиқ нон» цехлари аҳолига сифатли маҳсулот тайёрлаб бермоқда. Бекобод шаҳрида бир кечаю кундузда 25 тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги нон заводи қурилиши бошлаб юборилди. Қатор шаҳар ва туманларда «Рус печи» цехлари тайёрлаётган бўрсилдоқ нонлар харидорларни мамнун этмоқда. Уюшмамизнинг бош корхонасида Жанубий Корея билан ташкил этилган қўшма корхонада совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қурилиш материаллари, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган цехлар ҳам фойдаланишга топширилди.

Албатта, ишчилар учун яратилаётган шарт-шароитлар, юртбошимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари асосида изчил изга тушган тадбиркорлик ҳаракати туфайли иқтисодий кўрсаткичларимиз ҳам юқори бўлмоқда. Хусусан 8 ой мобайнида уюшма корхоналарида 271 минг тоннадан зиёд ун, 22 минг тоннадан кўпроқ гуруч, 80 минг тонна омухта ем тайёрланди. Аҳолига 32 минг тоннадан зиёд нон маҳсулотлари, 42 тонна қандолат маҳсулотлари етказиб берилди. Шу муддат ичида корхоналар бўйича ҳаммаси бўлиб 2 миллиард 531 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўртача ойлик маош 1438 сўмни ташкил этди. Биринчи ярим йилликнинг ўзидаёқ акционерлик уюшмамиз 374 миллион сўм фойда кўрди.

Халқимизда меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли, деб бежиз айтишмаган. Ўз масъулиятини чуқур тушуниб, фидойилик билан ишлаётган жамоа меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш муҳим бурчимиз бўлиб қолмоқда. Бизда пенсияга кузатилаётган ишчи ходимга бир ойлик маош миқдорида ёрдам пули бериш анъанага айланиб қолган. Қатор ҳиссадорлик жамиятларида ташкил этилган ёрдамчи чорвачилик хўжаликлари ишчиларини, гўшт, сут маҳсулотлари билан бепул таъминламоқдалар. Овқат пули, транспорт учун йўл ҳақи тўлаш ҳам жорий этилган. Байрамлар, тўйлар ва бошқа тадбирларда ишчи оилаларига ёрдам кўрсатилмоқда.

Акционерлик жамиятига айлангандан кейин уюшмамизда ҳали ҳамма муаммолар ҳал этилган деб бўлмайди, албатта. Ҳали корхоналарда технологик жараёнларни янада такомиллаштириш, унумдорликни ошириш талаб этилади. Бундан буён вилоятда ғалла экиш майдонлари кенгайиб бориши муносабати билан донни сифатли сақлай оладиган омборлар қуришга кўпроқ эътибор берилади. Хуллас, республикамизда дон мустақиллиги учун бошланган ҳаракатга фаол қўшилган ҳолда бор имкониятларни ишга солиб, халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга муносиб уруш қўшаверамиз.

Т. ШОДИМОВ,
Тошкент дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси раиси.

Вилоят ҳаёти

«ОНА ВА БОЛА»

Қибрай туманида қурилиши бошлаб юборилган кўз ёришга ёрдам вилоят даволаш — ташхис маркази ана шу ном билан аталади

ТИББИЙ тадқиқотларга кўра вилоятда туғиш ёшидаги аёлларнинг ярмидан, ҳомиладорларнинг эса 70 фоиздан кўпроғи турли хил ички аъзо касалликларидан азоб чекмоқдалар. Ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш анча жонланишига қарамай, фарзанд кўргандан сўнг асоратларга чалиниш ҳамон юқори бўлиб қолмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пойтахтда жойлашган республиканинг ихтисослашган муассасалари вилоятимиз шаҳар ва туманларида яшаётган аёлларга зарур даражада ташхис ва даволаш хизматини тўлиқ кўрсатиш имкониятига эга эмаслар.

Тошкент вилоят ҳокими муаммонинг долзарблигини эътиборга олиб, Қибрай туманида жойлашган вилоят шифохонаси ҳудудида 600 ўринга мўлжалланган туғишга ёрдам даволаш — ташхис марказини ниҳоятда қисқа вақт ичида қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. У 1996 йилда биринчи беморларни қабул қилиши керак. Мана шуни ҳисобга олиб, бош пудратчи — «Ўзглавгражданстрой» қурилиш ишлари ва лойиҳалашни бир вақтнинг ўзида олиб бормоқда.


Бу мақсадга жалб қилинган барча қурилиш ташкилотлари уюшқоқлик билан ишламоқдалар. Зарур ҳужжатлар — лойиҳалаш топшириғини тасдиқлаш, лойиҳа танлаш, топономик сурат учун топшириқ бериш, тупроқ тузилишини аниқлаш, пудрат шартномасини тузиш, бош бино пойдевори билан боғлиқ чизмаларни бериш учун сўнгги бир ҳафтагина етарли бўлди. Бугунги кунда 6-қурилиш тресты бошқармалари бино қурилишини бошлаб юбордилар.

Марказ энг замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади. Лойиҳага мувофиқ бу ерда бир неча бўлимлар: ҳомиладорлар патологияси, туғишга тайёргарлик, танг ҳолатдан қутқарув, батафсил назорат бўлимлари, жарроҳлик мажмуи, клиник ташхис лабораторияси ва бошқа ёрдамчи хизмат бўлинмалари беморларга хизмат кўрсатади. Марказ хоналари фақат 1-2 нафардан иборат беморга мўлжалланган бўлади. Касаллар учун барча қулайликлар яратиб берилади.

Бугунги кунда бундай қурилиш катта маблағ талаб қилиши табиий, албатта. Шуни ҳисобга олиб вилоятдаги 24 саноат корхонаси ва турли ташкилотлар лойиҳа ишларини маблағ билан таъминлаш ва қурилишни амалга ошириш учун маблағ сармоя тайёр эканликларини билдирдилар. Ўзбекистон металлургия комбинати йигирма миллион сўм, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ўн миллион сўм, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси беш, «Чирчиқтрансформатор» акциядорлик жамияти ва «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси уч миллион сўмдан, Тошкент дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси икки ярим миллион сўм билан ҳисса қўшадиган бўлдилар. Шунингдек, «Вилоятгаз», «Вилоятнефть» маҳсулотлари, «Вилоятпахтасавдо» ташкилотлари, «Вилоятматлубот» уюшмалари жамияти, «Вилояттайёрлов» идораси, «Чирчиқхиммаш» акциядорлик бирлашмаси ва «Чирчиқсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Ангрен кўмир ҳавзаси, Ангрен керамика комбинати, «Ўзбекрезнатехника» корхонаси, Ангрен олтин қазиш кони, Оҳангарон цемент комбинати, Оҳангарон шифер заводи ҳам қурилишга маблағлари билан ёрдам берадилар.

Албатта, бугунги кунда бу муҳим муассасани бунёд этишга қўшилган ҳар бир сўм ишни жадаллаштириши тайин. Зеро, юзлаб оналар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда марказнинг аҳамияти беқиёсдир.

Вилоятимизда саховатли кишилар ҳам кўп. Бошланган ҳайрли ҳаракат уларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз. Шундай экан, бу мақолани ўқиб «Она ва бола» маркази қурилишига моддий ёрдам кўрсатмоқчи бўлганларга ўз пулларини **Тошкент вилояти Саноат қурилиши банкидаги 000174611, МФО 172787336** рақамли ҳисобга ўтказишлари мумкинлигини маълум қиламиз.



Тошкент вилоят болалар касалхонаси поликлиникасининг асаб хасталиклари бўйича шифокори Валентина Ивановна Сазонова тажрибали мутахассисдир. Суратда: у беморни назорат қилмоқда.
Д. АҲМАД олган сурат.

ХОДИМЛАР САРАЛАНМОҚДА

Вилоят ҳокими қарори амалда

ЯҚИНДА вилоят ҳокими қабул қилган қарорда республикамиз Президенти И. Каримов белгилаган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда халқ хўжалигининг барча соҳаларида узлуксиз ривожланишга эришиш учун вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг ходимларини, барча бўғин раҳбарларини аттестациядан ўтказиш таъкидлаб ўтилганди. Қарорда лавозим эгаларининг билими, ташкилотчилик қобилияти, оммани иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга сафарбар эта олиши, малакасини ошириб боришига алоҳида эътибор бериш уқтирилганди.

Бунинг учун вилоятимизда барча бўғин раҳбарларини аттестациядан ўтказиш комиссияси таркиби тасдиқланди. Раҳбарлар, ходимлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишига оид, иқтисодий ислоҳотларни ўрганишга тааллуқли саволномалар ишлаб чиқилди.

Шаҳар ва туман ҳокимларига аттестациядан кўзланган мақсад, хўжалик ва корхоналарнинг етакчилари, мутахассислари, ўрта бўғин раҳбарлари фаолиятида ўзгариш ясаш, малакали ва амалий ишчанлигини оширишдан иборат эканлиги уқтирилди. Уларнинг таклифи асосида шаҳар ва туман ҳокимликлари маҳкамасининг ходимларини аттестациядан ўтказиш жадвали тузилди.

Ана шу жадвал асосида Бекобод шаҳар ҳокимлиги ходимлари аттестацияга тайёргарлик кўриш борасида корхоналар, ўқув масканлари, турар жойларда бўлишиб, ишчилар, зиёлилар ва маҳалла оқсоқоллари билан учрашдилар. Улар олдидаги муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашдилар. Раҳбарлик қилаётган соҳаси ва мутахассислигига оид билимларини жойларда амалда бажарилаётган ишлар билан мустаҳкамладилар.

Масалан, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ботирқул Содиқов шаҳардаги 11817 нафар нафақахўрнинг пул таъминоти, қаровчиси йўқ, ёлғиз яшаётган қариялар ва муҳтож оилалар ҳақидаги аҳвол билан танишди. Маданият, спорт муассасалари, фахрийлар кенгашининг фаолиятини янада яхшилаш чораси кўрилди. Бу йил шаҳар мактабларининг II-синфини тамомлаган ёшларнинг неча нафари институт, техникум, махсус билим юртларида ўқишни давом эттираётганлигини, қанчаси завод ва корхоналарга ишга кирганлиги аниқланди. Турли сабабга кўра фойдали меҳнат билан шуғулланмаётганларни ишга жойлаштириш чораси кўрилди. Мажмуадаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди. Шунингдек, ҳоким ўринбосарлари Х. Турғунов, Э. Элкўзиев ва бошқалар ҳам ўзлари шуғулланаётган тармоқларда бўлишиб, муаммоли масалаларни ҳал қилиш билан шуғулландилар.

Аттестация жараёнида комиссия аъзолари Бекобод шаҳар ҳокимлигининг кўпчилик ходимлари аттестацияга пухта тайёргарлик кўришганига ишонч ҳосил қилдилар. Саккиз нафар ходимнинг олтитаси иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида фаол қатнашаётганлиги, ўз мутахассислигига оид билимларни пухта эгаллаётганлиги маълум бўлди. Уларнинг суҳбатдан ўтиш жараёни акс эттирилган баённомада аттестациядан муваффақиятли ўтганлиги қайд этилди. Икки нафар ходим эса аттестациядан шартли равишда ўтди. Улар билан кейинчалик қўшимча суҳбат ўтказилади.

Комиссия аъзолари ҳокимлик ижроия маҳкамасида ишни ташкил этиш жараёни билан чуқур танишдилар. Бўлимларни ташкил этиш, уларнинг фаолиятларига доир айрим номутаносибликлар, камчиликлар ва эътибордан четда қолган ташкилий ишларга алоҳида эътибор берилди. Ташкилий ва умумий бўлимларнинг фаолият доиралари билан боғлиқ бўлган масалалар ҳал этилди.

... Ҳа, Бекобод шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган аттестация кадрларнинг топширилган ишга масъулиятини ошириб, уларни корхона ва муассасаларда меҳнат қилаётган кишилар, ҳудудда яшаётган ҳар бир инсоннинг муаммосини ҳал қилишга кўмаклашиш, улар ҳақида ғамхўрлик қилишга даъват этди.

Шунингдек, ҳокимлик ижроия маҳкамасида ишни пухта ташкил этиш, бўлимлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳар бир ходимнинг хизмат соҳасини аниқ белгилаш, топширилган вазифалар учун шахсий масъулият ҳиссини кучайтириш юзасидан амалий тавсиялар, маслаҳатлар берилди, тўпланаётган тажрибалар умумлаштирилди ҳамда ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

С. ШАРОФХОНОВ,
Тошкент вилояти ҳокимлиги ташкилий бўлими мутахассиси.

Ҳосил-95

ОХУНБОБОЕВЛИКЛАР ЎРНАК БЎЛМОҚДА

КИМНИНГ қандай ишлаётганлиги иш натижалари таҳлил этилганида билинади. Шунинг учун ҳам Оққўрғон туманида йиғим-теримда холисона ҳашарга чиқиб, ёрдам бераётган Тошкент тумани вакиллари пахта штаби бошлиғи, шу туман ҳокими Рустам ака Акбаров навбатдаги йиғилишга пухта тайёргарлик кўрди. Қайси хўжалик, қайси ташкилотдан қанча одам теримда қатнашаётганлиги, кимлар қанчадан пахта тераётганлиги, илғорлар киму қолоқлар ким? — мириданситригача билиб олиш учун маълумотларни ўрганди. Хўжалик, ташкилот раҳбарлари билан суҳбатлашди. Ҳашарчиларга қандай шарт-шароитлар яратиб берилганлиги билан ҳам қизиқди. Эришилаётган натижалардан кўнгли анча таскин топгандек бўлди.

— Охунбобоевликларга раҳмат, — деди у. — Улар астойдил меҳнат қилишяпти. Кунлик теримда юқори унумга эришяптилар. Ҳар бир ҳашарчи ўртача 40-45 килограммдан пахта теряпти.

...Умуман олганда, Тошкент туманидан Оққўрғон тумани пахта далаларида теримда 3000 киши қатнашяпти. Хўжаликлардан чиққан ҳашарчилар шу кунга қадар салкам 400 тонна пахта теришди. Ғиёс Умаров номли, Навоий номли хўжаликлардан ёрдамга борган деҳқонлар ҳам анча дуруст меҳнат қилмоқдалар.

Лекин, эришилаётган натижалар кишини тўлиқ қаноатлантирмайди. Ҳозир пахтанинг қийғос очилган пайти. Ҳаво ҳам туриб беряпти. Ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ. Шунинг учун ҳар бир ҳашарчи кунда камида 45-50 килограмм пахта териш имкониятига эга. Ана шу имкониятдан тўла фойдаланиш керак.

Штабнинг навбатдаги йиғилишида ҳашарчиларнинг иш суръатини ошириш, илғорларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш, уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

Н. РИХСИЕВ.

Ҳосил-95



Суратда: Чиноз туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Осиё Қорабоева. У кунига 100 килограммга етказиб пахта термоқда.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

ЧЕКИНИШНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Пискент туманида иқтисодий ислоҳотлар дастури тўла амалга ошмаяпти. Бу айниқса, қишлоқ хўжалиги ривожига, кўпроқ пахтачиликка алоқадордир. Туманда пахта тайёрлаш топшириқлари мунтазам бажарилмай келмоқда, ҳосилдорлик йилдан-йилга пасайиб кетмоқда. 1991 йилда гектар бошига ҳосилдорлик 27,6 центнерни ташкил этган бўлса, 1994 йилга келиб бу кўрсаткич 24,2 центнерга тушиб қолди. Хўш, бу йил нима бўлади?

«Тошкент ҳақиқати» бонг уради

ПИСКЕНТ тумани пахта тайёрлашда вилоятда энг охирги ўринда бормоқда. Йиғим-теримда карвонбошилик қилаётган Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Юқоричирчиқ, Бўка ва Бекобод туманларининг пахтакорлари 3—3,5 фоиз пахта топшириб, кунлик ўсишда энг юқори кўрсаткичларга эришаётган бир пайтда Пискентда бу кўрсаткич 2 фоизни ҳам ташкил этмаяпти. Айрим туманлар ғалаба манзилига етай деб қолганда, бу туманда йиллик топшириқнинг энди атиги 43,03 фоизи миқдорида пахта тайёрланди.

Хўш, нега шундай? Даладаги ҳосил тақдири ҳал бўлаётган долзарб кунларда нега суръат паст?

Туманда йиғим-теримнинг бориши билан боғлиқ бугунги аҳвол билан танишгач, қуйидаги хулосага келдик. Ишда тайин бир мутаносиблик йўқ. Ҳамма ерда манзара ҳар хил. Масалан, қатор беш кунликлар ғолиблари Дўстбеков номли, Навоий номли, «Пискент» ва «Туркистон» жамоа хўжаликларида кунда 3 — 3,5 фоиз ўсишга эришилаётир.

Биз туманда пешқадамлар сафида бораётган «Туркистон» жамоа хўжалигида йиғим-терим ишларининг йўлга қўйилиши билан танишдик.

Ҳамма нарса, аввалambor, одамлар ҳақидаги ғамхўрлик, меҳнат шарт-шароитига боғлиқ. Хўжаликда ана шу тамойилга амал қилинаётганлиги туфайли ҳам ҳар йили барча соҳаларда қувончли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ўтган йили пахта тайёрлаш режасини туманда биринчилардан бўлиб адо этган хўжалик деҳқонлари бу йил ҳам катта ниятларни дилга тугиб, меҳнат қилишаяпти. Суръат ўтган йилгидан анча жадал. Бултур хўжалик 3 октябрь кунига йиллик топшириқнинг атиги 4,18 фоизи миқдорида пахта тайёрлаган бўлса, бу йил у 40 фоизни ташкил этди.

Бу хўжаликда пахта йиғимтеримини уюшқоқлик билан ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар ишлаяпти.

Меҳнат мусобақаси ғолиблари мунтазам тақдирланмоқда. Шу кунгача 193 нафар мусобақа ғолиби рағбатлантирилди. Одамларнинг кайфияти, меҳнатга муносабати, ғайрати ҳам шунга яраша. Шу туфайли ҳам ҳар бир теримчининг кунда ўртача терган пахтаси 70 — 80 килограммга тўғри келаётир. Бу етиштирилган жами ҳосилнинг 80 фоизини қўлда териб олиш борасидаги режанинг бажарилишига ишончли кафолатдир.

Лекин, минг афсуски, туманда юқоридагидек пахта йиғим-теримини пухта ташкил этган, барча одам ва техника кучларини ишга тўла сафарбар қилишга эришган хўжаликлар жуда оз. Карвоннинг ортида судралиб келаётган хўжаликлар нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Масалан, кунда аранг 0,86 фоиз ўсишга эришаётган фермер хўжаликлари, 0,75 —1,5 фоиз ўсишга эришаётган И. Ҳайдаров номли, «Қирққизобод», Ҳ. Қодиров номли, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон» ва бошқалар ана шундай қолоқ хўжаликлар жумласидандир. Улар йиғим-теримда ҳар дақиқаси олтинга баробар қимматли ва ғанимат кунларнинг қадрига етмаяптилар. Суръатга тушов бўлиб, ўз туманларигина эмас, бутун вилоятни орқага тортмоқдалар.

Ислиддин Ҳайдаров номли жамоа хўжалигида бўлганимизда аҳволни кўриб жуда ачиндик. Вилоятга донғи кетган собиқ «Гулистон» хўжалигида илгарилари гектар бошига 35-40 центнердан — жами 4 минг тоннагача хирмон кўтариларди. Режа бажарилмаган бирон йил йўқ эди. Энди бўлса, йилдан-йилга иш орқага кетяпти, ҳосилдорлик ҳам кескин пасайиб бормоқда.

Келинг, яхшиси гапни энг бошдан бошлайлик. Хўжаликда ҳамма қусурларга баҳор кезларидан йўл қўйилди. Раҳбарларнинг лоқайдлиги ва нўноқлиги оқибатида чигит экиш 20 апрелдан 15 майгача чўзилиб кетди. Ғўза парваришидаги агротехник маром ва меъёр бузилди. Ғўзанинг ривожи ва ҳосилнинг пишиши, жорий йил ниҳоятда қулай келишига қарамай, бир ой-йигирма кунга кечикиб кетди. Шу билан боғлиқ ғўза баргини чилпиш ва дефолиация ўтказиш муддатлари бой берилди.

Машина терими октябрь ойига келиб бошланди. Шунга қарамай бугун мавжуд 11 та терим машинасининг фақат 8 таси ишламоқда. Чунки, машина теримига ажратилган карталарнинг ҳосили ҳамон яхши етилган эмас, жуда кечки. Бу ўз навбатида бригадалардаги терим суръатига таъсир этмай қолмади. Масалан, Иномжон Ғуломов, Эламас Хожиқулов, Иброҳим Ҳайдаров ва Бахтиёр Худоёровлар бошлиқ бригадаларда бугунгача йиллик топшириқнинг атиги 13-20 фоизи атрофида пахта тайёрланганлиги фикримизнинг далилидир.

Хўжаликда қўл теримига 1 сентябрда киришилганига қарамай, ишда мутлақо унум йўқ. Вилоят бўйича ўртача кўрсаткичдан ҳам анча паст. Далада бор-йўғи 280 теримчи пахта теряпти. Олмалиқ шаҳридан ёрдамга келган 700 нафар ҳашарчини ҳисобга олмаганда, пахтазорда ҳеч ким кўринмайди. Ваҳоланки, қишлоқларда одам кучи етарли.

Хўжалик раҳбарларининг тадбиркорлик билан иш юритмаслиги, одамлар орасида бўлмаслиги, уларнинг аҳволидан, туриш-турмушидан хабар олиб турмаслиги, меҳнаткашларнинг дардига ўз вақтида қулоқ солмасликлари оқибати, лоқайдликнинг ўзгинасидир. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, орадан бутун сентябрь ойи ўтиб кетибдики, йиллик пахта тайёрлаш топшириғи эндигина юзнинг тўртдан бир фоизига бажарилибди. Ахир буни қандай тушуниш керак? Қани хўжалик раҳбарларидаги ташкилотчилик, қани халқни ўз орқасидан эргаштириш, қани сафарбарлик? Раҳбарга хос зукколик, теран ақл, билим ва маҳорат, ғайрат-шижоат ва фидойилик қаерда қолди? Қўл теримига, одамлар манфаати ва уларнинг ижтимоий муҳофазасига шуми муносабат?

Ҳозирги талаб пахтани октябрь ойи ичи узил-кесил сарамжонлаб олиш ва бошқа дала ишларига имкон яратишдан иборат эди. Аммо, Пискент туманидаги айрим қолоқ хўжаликларнинг раҳбарлари ва қолаверса, туман мутасаддилари буни эсдан чиқариб қўяётганга, иқтисодий ислоҳотлар талабларини бемаврудунутаётганга ўхшайдилар. Агар суръат шу кетишда бўлса, туманда пахта йиғим-терими ноябрь ойида ҳам тугамайди.

Туманда эски касал яна панд берди. Пахта йиғим-терими стратегияси бошдан тўғри йўлга қўйилмади. Бу йилги шароитда қўл теримига алоҳида эътибор бериш зарурлиги ҳақидаги муҳим омил унутилди. Ваҳоланки, республикамиз ҳукумати қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса, пахтакорларимизга жуда катта енгилликлар ва имтиёзлар яратиб бермоқда. Бу йил ҳам пахтанинг давлат харид нархлари кескин оширилди ва толанинг хўжаликни ўзида қоладиган улуши анча кўпайтирилди. Теримчилар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги имтиёзли шартлари жорий қилинди. Афсуски туманда бу мададдан ҳам ўз ўрнида самарали ва оқилона фойдаланилмаяпти.

Бу йилги мавсумда туман бўйича жами 28 минг тонна ҳосилнинг 12.300 тоннаси қўлда, 15.700 тоннасини машиналар ёрдамида териб олиш режалаштирилган эди. Аммо, иккала жабҳада ҳам иш кўнгилдагидек бораётгани йўқ. Ишга яроқли қишлоқ аҳолисининг ярмидан кўпроғи теримда қатнашмаяпти. Демак, ҳамма жойда етарли даражада ва юқори савияда ташкилий ҳамда фаол тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти.

Биргина мисол. Пискент шаҳрининг ўзида 30 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан 2 минг одам пахтакорларга ёрдам бериши керак. Ваҳоланки, ҳозир далада ишлаётган шаҳарлик ҳашарчиларнинг сони 1.500 кишидан ошмайди. Хўш, қолганлар қаёқда?

Биз туман ташкилотларидан ҳашарга чиққан хизматчилар, Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳарларидан келган ёрдамчилар ва мактаб ўқувчиларига қандай шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ҳақида гапирмадик. Аммо, бизни бир нарса таажжублантиради. Нега ҳашарчиларнинг кунлик терган пахтаси мўлжалдагидан паст, 21-25 килограммдан ошмайди? Сабаб нима?

Энди машина теримининг аҳволи хусусида бир оғиз сўз. Туманда жами 146 та пахта териш машинаси мавжуд бўлиб, шундан атиги 41 таси далада пахта теряпти. Ҳар бир машинанинг кундалик иш унуми ўртача 3-3,5 тоннага тўғри келади. Агар иш шу зайлда борса, 15.700 тонна пахта қачон териб улгурилади? Бунинг учун қанча вақт керак? Чекинишга қачон чек қўйилади? Бу йил режа ўринланадими, йўқми?! Бундай аччиқ ва ҳақли саволларга туман раҳбарлари нима деб жавоб қилишади?

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Мутахассислар маслаҳат беради

НОБУДГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ

Шоли ўрим-йиғимида техникадан қандай самарали фойдаланиш керак

ШОЛИЧИЛИК ғалла мустақиллигига эришишда муҳим ўрин тутади. Бу йил шолизорларда мўл ҳосил етиштирилди. Ана шу ҳосилни нес-нобуд қилмай ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш бугунги кундаги энг муҳим вазифадир.

Шоликорлар олдида турган мазкур вазифани маромида ўринлаш аввало шоли ўримида комбайнлардан қанчалик тўғри ва оқилона фойдалана билишга боғлиқдир. Маълумки, ҳозир бу борада анчагина муаммолар йиғилиб қолган. Ана шулардан бири шоли ўриш техникасининг мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланилмаётганлигидир. Агар рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, бу борадаги кўрсаткич атиги 60-70 фоизни ташкил этади. Иш сифатига келсак, у агротехника талаблари даражасидан анча паст. Шу сабабли ҳам шоли ўрими вақтида ҳосилнинг 10-20 фоизи ва уни янчиш пайтида эса 30 фоизигача нобуд бўлиш ҳоллари содир бўлмоқда.

Шоли ўрим-йиғимида ҳосилни тўғридан-тўғри ва алоҳида ўриб олиб, сўнг янчиш усулига амал қилиб келинади. Шоли ўришда асосан, СКД-6Р, «Сибиряк», «Енисей-1200Р» шоли комбайнлари, ЖРК-5, ЖСК-4А, ўзиюрар ЖРС-5 ўриш машиналарига А-54-102 барабанли ва ПРТ-3 юрувчи подборшиклар тиркалиб ишлатилади. ЎзШИТИ олимларининг изланишларидан маълумки, шоли ўримида машиналарни янгитдан жиҳозлаш ва такомиллаштириш ҳисобига уларнинг унумдорлигини ошириш мумкин.

Шоли ўримини бошоқлардаги доннинг 85—90 фоизи тўла етилиб пишганда бошлаш керак. Шолининг намлиги 25 фоиздан ошмаслиги лозим. Уруғлик шолини ўриб-йиғишга донларнинг 95 фоизи тўла пишганда киришиш мақсадга мувофиқдир. Шолини тезпишар ва ўртапишар навлари 8—10 кунда, кечпишар навлари эса 10—12 кунда йиғиштириб олиниши керак.

Ўрим-йиғимни сифатли ўтказиш учун шолипояларга сув қуйишни тўхтатиш доннинг пишиш даврида амалга оширилади. Шолипоялардаги сув сатҳини бирданига эмас, аста-секин камайтириб бориш керак. Ўзбекистон шароитида тупроқнинг механик таркиби ва ер ости қатламининг тузилишига қараб поллардаги 10 сантиметр қалинликдаги сув 4—8 кун давомида ўсимлик эҳтиёжи учун ва тупроққа сингишга сарф бўлади. Сувнинг тупроққа сингиш даражаси кам ва ер ости сувларининг чиқиб кетиши секин амалга ошадиган шароитларда поллардаги сув сатҳи махсус сув ташлаш иншоотлари орқали бир кеча-кундузда 1,5—2 сантиметрдан камайтирилиб борилади.

Поллар қуригандан сўнг ўрим маълум кенгликда махсус ўриш машиналари билан (ЖВН-6 асосидаги ўриш машиналари қамрови 4,7 метрга қисқартирилган) олиб борилади, шолипоянинг кўндаланг жойларида 8—9 метр бурилиш майдончалари қолдирилади. Тўғри бурчакли пол-карталарда шоли эни 50—70 метр бўлакларга бўлиб ўрилади. Ўсимлик қалинлиги 1$м^2$ да 250 ва ундан кўп миқдорда бўлган, шолипояси ётиб қолмаган ва унинг бўйи 70—90 см бўлганда 15 см, 90—110 см бўлганда 17—20 см ва 110 см ва ундан баланд бўлганда 23—25 см ўрим баландлиги белгиланади. Ўрилмаган бошоқлардаги ҳосил нобуд бўлмаслиги учун ётиб қолган шолипояларда анғиз баландлиги 5-8 см.дан ошмаслиги керак. Ўрилган шоли уюм узунлиги бўйича бир меёрда тўшаб борилади. Уюмнинг эни комбайннинг янчиш мосламасига монанд келиши зарур.

Шоли машина билан ўрилганда доннинг исроф бўлиши шоли ётиб қолган ерларда 0,5—0,6 фоиздан ва яхши ҳолатдаги ерларда 0,2—0,5 фоиздан, уюмларни подборшиклар билан йиғиштириб олишда 1 фоиздан ошмаслиги керак. Уюмлар бир меёрда узатилиб, комбайннинг янчиш мосламаси технологик иш жараёнини бузмаслиги шарт. Комбайнлар янчиш мосламасининг ишлаш жараёнида дон исрофгарчилиги 1,5 фоиздан, ушалиши ва оқшоқланиши 4 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

Доннинг турли аралашмалар билан ифлосланиши шоли олдиндан ўрилиб, кейин янчилганда 5 фоиздан, тўғридан-тўғри ўриб-янчилган вақтда 6 фоиздан ошмаслиги керак. Шоли ўрим-йиғимида алоҳида ўрилиб, кейин янчиш вақтида умумий дон нобудгарчилиги яхши ҳолатдаги шолипояларда 2 фоиздан, ётиб қолган майдонларда 3 фоиздан ошмаслиги айни муддаодир.

Ғ. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.
З. ЖУМАНОВ,
Илмий ишлар бўйича директор муовини, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.
А. РАҲИМОВ,
механизация лабораторияси мудири.

ҚОИДАЛАР БАЖАРИЛИШИ ШАРТ

Деҳқонларимизнинг зарбдор меҳнати туфайли вилоятимиз далаларида мўл пахта ҳосили етиштирилди. Уни нес-нобуд қилмай, тезда йиғиб-териб олиш учун кураш авж оляпти. Пахта — халқимиз бойлиги. Уни ёнғиндан асраш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Қатор пахта заводлари ва тайёрлов пунктларида ёнғиннинг олдини олиш чоралари аввалдан кўриб қўйилди. Ёнғинга қарши техника, ўт ўчириш воситалари таъмирланди. Технология, электр ускуналари ва кичик механизация воситалари созлаб қўйилди.

Бироқ, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ҳамма жойда бирдек олиб борилди, деб бўлмайди. Йўл қўйилаётган жузъий камчиликлар сурункасига бир неча йиллардан бери бартараф этилмаяпти. Жумладан, водопроводлар, қўшимча ускуналар таъмирланмаган, ҳовузлар сув билан етарлича тўлдирилмайди, электр ускуналари, техникадан фойдаланиш қоидаларига кўпинча риоя этилмайди. Бирламчи ўт ўчириш воситалари йўқ. Тракторларда учқун чиқишнинг олди олинмаган. Мой томиши, техникани таъмирлашда эътибор бериладиган жиҳатлар кўпинча назар-писанд қилинмайди. Оқибатда, бунинг натижасида хунук ҳодисалар келиб чиқиши мумкин бўлади.

Эътиборсизлик, хўжасизлик халқ мулкига совуққонлик билан муносабатда бўлиш натижасидир. Ёнғинга қарши кураш қоидаларини бузиш, машина, механизм, лозим ускуналардан фойдалана билмаслик ва умуман, пахта териш, қуритиш, жўнатиш, асраш ва қайта ишлашдаги лоқайдлик бунга сабаб бўлмоқда.

Ёнғиннинг олдини олиш — пахта тераётганларнинг ҳам, тайёрловчиларнинг ҳам, қайта ишлайдиганларнинг ҳам, хирмонда, тайёрлов пунктларида меҳнат қилаётганларнинг ҳам асосий бурчидир.

«Оқ олтин»имизни турли хил тасодифий ёнғин ҳодисаларидан асраш учун ёнғинга қарши кураш қоидаларига оғишмай амал қилайлик.

Ф. АБДУМАВЛОНОВ,
Тошкент вилояти ЁСБ ички хизмат лейтенанти.

ДУШАНБА, 9

ЎзТВ I
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 «Баджаҳл Бамбр». Мультфильм.
17.50 **«Қувноқлар даврасида».**
18.20 «Олам ва одам».
18.40 **«Ҳаракатда баракат».** Публицистик кўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Футбол шарҳи.
19.40 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Театр ва замон».** Адабий кўрсатув.
22.00 **Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий».** Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
00.20 Эълонлар.
00.25 — 00.50 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
19.30 **«Излаган имкон топади».**
20.00 **«Кимга қанақа?»**
20.45 «Спорт-тайм».
21.15 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
21.50—00.30 «Тақдир». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00—21.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.35—01.35

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси».
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — «О».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Курьер».
23.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
24.00 — 00.10 «Постфактум».

СЕШАНБА, 10

ЎзТВ I
7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Булбулча»нинг парвози». Фильм-концерт.
9.30 Немис тили.
10.00 **«Кашф этилаётган имкониятлар».**
10.30 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.00 Шифокор экрани.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг созандалари ижро этадилар.
12.30 Япон тили.
13.10—15.30 Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Қўнғироқча».**
18.10 «Мен туғилган тупроқ».
18.25 «Буни умр дерлар...» Публицистик кўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».**
*
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **Пахтакорлар учун концерт.**
21.50 **ЎзТВ экранида биринчи марта. «Совун ўғриси».** Бадиий фильм (Италия).
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 «Теле-ательe-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20—24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.00—21.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.35—01.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Жаҳон ва биз».
22.00 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
23.00 — 00.10 «Ҳайвон ўргатувчи». Бадиий фильм.

ЧОРШАНБА, 11

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Руҳ».
9.50 «Буни ҳамма билиши керак».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 **Бир актёр театри. Азиз Несин. «Пулимга яраша...»**
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 Янги алифбони ўрганамиз.
12.30 «Созимиз — овозимиз». Мусиқий кўрсатув.
13.00 «Вазият».
13.30—14.55 «Совун ўғриси». Бадиий фильм.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Оила сабоқлари».**
18.10 **«Озоринг эмасму?»** Абдурашид Воҳидов куйлайди.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Олтин мерос». Ибн Сино шеърлари.**
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Сурхондарё вилояти.**
21.40 **Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Нефтчи».**
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.40 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Уй ҳайвонот боғи».
18.55 «Кичик дебют».
19.25 **«Абадий ёдгорликлар».**
20.00 «02» тўлқинида.
20.25 «Тошкент оқшомида».
21.25—22.55 «Кинематограф».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.00—21.45
* * *

ҲАФТАЛИК TV ТВ TV КЎРСАТУВЛАР

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30—00.30

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Суянч».
«ОМАД» таништиради:
20.25 Эълонлар.
20.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.20 — 00.20 **«СПОРТ ҚИТЪАСИ».**

ПАЙШАНБА, 12

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Сарғайган мактублар».
9.35 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 Ўқув кўрсатуви. География.
12.00 Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юрти талабаларининг концерти.
12.40 — 14.40 «Ёшлик» видеоканали.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Бу дамлар ўхшар эртакка...»**
18.10 **Диққат премьера: «Феруза осмоннинг шайдосиман».** Телефильм.
18.30 **«Солиқ».**
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Бир дарёдан сув ичган...»** Публицистик кўрсатув.
19.50 **«Юзма-юз».** Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 Бир жуфт қўшиқ.
21.10 **«Хотира». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўктам Жобиров.**
21.50 **«Ҳаётнинг бошланиши».** Бадиий фильм.
*
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.40 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.00 «Теле-ательe-шоу».
19.10 Видео янгиликлари.
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05— 22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.00—21.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25—00.20

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Тадбиркорлик мактаби».
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Шалом».
21.45 «Глобус».
22.15 «Умид» (уйғур тилида).
22.55 — 00.10 «Аёлни излаганлар». Бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).

ЖУМА, 13

ЎзТВ I
7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Министр бўлмоқчиман». Бадиий фильм.
10.30 Немис тили.
11.00 «Бола бошидан...»
11.40 Ўзбек куйларидан концерт.
12.20 **«Ўсмир ва қонун».**
12.55 **«Фан ва ишлаб чиқариш».**
13.25 — 14.50 «Меҳр кўп кўргаздим». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Сиҳат-саломатлик».** Телевизион журнал.
18.10 Мусиқий дақиқалар.
18.25 «Тафаккур ёлқинлари». Публицистик кўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».**
*
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Назм ва наво».** Фурқат лирикаси.
21.50 «Фидойилик». Бадиий фильм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Ёшлар ижро этадилар.
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Деҳқон ҳиммати».
19.55 **«Бизнес-академия».**
20.20 «Тошкентнома»
21.20 — 22.50 **«Ёр-ёр».** Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.00—21.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30—02.00

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кулгига нима етсин!».
21.15 «Автосалон».
21.35 «Америка юлдузлари».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Даракчи».
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — «О».

ШАНБА, 14

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Н. Осипова. «Ўрик гуллаганда». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
10.10 **«Болалар меҳмонхонаси». Ҳаким Назир таваллудининг 80 йиллигига.**
10.40 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
11.15 **«Истеъдод байрами».**
11.55 «Кино таҳририят» почтасидан.
12.40 — 14.40 «Маънавият» видеоканали.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Бахтли Григорий». Мультфильм.
17.40 **«Ўйла! Изла! Топ!»**
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 **Саид Аҳмад. «Йўғон тепа».** Теленовелла.
20.00 **«Ўзбекистон янгиликлари»** (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **Пахтакорлар учун концерт.**
21.40 **«Учрашув». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Комилов.**
22.40 **«Тунги ёғду».** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 «Теле-ательe-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30 — 18.30 **«СПОРТ ҚИТЪАСИ».**
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Коллекция».
19.40 «Пульс». Хабарлар.
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.55 **«Менинг кўчам».**
21.10—22.40 «Кинематограф».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—01.25

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Мюзик-холл».
10.30 «Ўрмонлар оша, тоғлар оша». Болалар учун фильм.
11.40 «Ишбилармон».
12.10 Ҳужжатли фильм.
12.40 — 13.10 Мусиқий учрашувлар.
* * *
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Замин қалбига қулоқ тут». Ҳужжатли фильм.
20.50 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.35 «Подиум».
21.55 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.05 «Безнен мирас» (татар тилида).
22.45 «М» — хабар.
22.55 «Бу ажиб дунё».
23.15 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.25 — 00.35 «Аёлни излаганлар». Бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

ЯКШАНБА, 15

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 **«Камалак».** Болалар учун кинодастур.
10.00 **«Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».**
11.00 «Қўшиқларим сизга армуғон».
11.30 «Қувноқ стартлар».
12.15 **«Ҳақ сўзни дегил...» Исҳоқ Ўктамов.**
12.45—14.45 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **«Эртаклар — яхшиликка етаклар».**
18.05 **«Эътироф».**
18.35 **«Ойнаи жаҳонда...»**
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Панорама»** (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 **Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблининг концерти.**
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ҳафтанома».**
21.00 Эълонлар.
21.05 **Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Нефтчи».**
22.35 Эълонлар.
22.40 **«Шаханшоҳ».** Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1—2-сериялар.
01.30 **«Ҳафтанома».**

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
10.30 «Теле-ательe-шоу».
10.40 Видео янгиликлари.
11.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».
***
17.00 «Совға».
17.30 «Жаҳон географияси».
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео—«О».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Курьер».
20.30 «... яна об-ҳаво ҳақида».
20.40 «Постфактум».
20.50 «Компьютер-Осиё».
21.20 «Кулгига нима етсин!»
21.45 Америка юлдузлари.
22.15 Эълонлар.
22.20 «Даракчи».
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.15 Видео—«О».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00—22.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.55—00.35

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам».
10.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.15 «Булоқлар кўз очганда».
12.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.45 «Табиат ёдгорликлари». Телефильм.
13.15 — 14.30 «Ўзинг билан олиб кет». Бадиий фильм.
* * *
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
20.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.05 «Туркистон — умумий уйимиз». «Айтишув-95».
22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.15 «Манбалар».
22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.05 — 23.40 «Халқ анъаналари». Ҳужжатли фильм.

САДОҚАТ ВА ХИЁНАТ



...Яратганнинг илоҳий мўъжизаси бўлмиш Инсон вужудида ЮРАК деган улкан бир дарё оқади. Бу дарёнинг тўлқинлари ҳамиша икки қирғоқ оралаб ўтади: САДОҚАТ ва ХИЁНАТ қирғоқлари аро... Садоқат қирғоқлари ҳамиша жаннат чечаклари ила сероб бўлиб ётади. Тўлқинлар ҳам бир қирғоқ пойига ювошгина бош қўядилар, эркаланадилар. Хиёнат қирғоқларида эса қон ва кўз ёшдан унган майсалар мўлтираб ётадилар. У қирғоқда армон ва изтиробдан бўлак изғиринлар эсмайди.

Азиз муштарий! Бугун ушбу саҳифамизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, иқтидорли қалам соҳибаси Шарифа САЛИМОВА юракдаги ўша икки қарама-қарши туйғунинг суратларини чизишга уринган. Бу борада ўз кечинмалари, кўрган билганлари, чиқарган хулосаларини сиз-у биз билан ўртоқлашган. Ўйлаймизки, улар сизларни бефарқ қолдирмайди.

ТАСАВВУР

ШАҲАРНИНГ лоҳас қиладиган иссиғи, сершовқин кўчалари, беадад югур-югуридан қочиб, дам олиш кунларининг бирида тоққа жўнадик. Болалар ўзида йўқ хурсанд. Йўл бўйи қалдирғочлардек вижирлашиб кетишди. Тоққа етиб боргач, улар қийчув қилишиб, ўзларини сувга отишди. Эртаси куни тонгдан тоғ ичкарисига, одам оёғи етмас арчазорлар-у, бодомзорлар сари йўл олдик. Болалар учун ҳамма нарса: оёқлари остида сочилиб ётган ранго-ранг тошлардан тортиб, қимтиниб турган кийик ўтигача, қоялар лабида осилиб турган арчалардан тортиб, чах-чахлаб ётган ўзи кўринмас булбулларгача сирли эди. Бирданига ҳаммадан олдинда кетаётган қизчамиз ерга чўнқайиб ўтириб олди.

— Ҳа, нима бўлди, бирор нарсанг ерга тушдими? — сўрадик биз хавотирланиб.

— Йўқ, ойижон, — деди у. — Манави гулни қаранг...

Қарасам қизчанинг эътиборини тортаётган чечак чиндан ҳам бошқача экан.

— Нима демоқчийдинг қизим, — дедим унга оҳиста.

— Шунақа чиройли гуллар фақат тоғда ўсадими? — деди у болаларча ҳайрат билан.

— Ҳа, фақат тоғда ўсади.

— Улар жуда кўпми? — у саволда давом этди.

— Улар беҳисоб қизим! — дедим қизиқишим ортиб.

— Улар тоғни ташлаб ҳеч қаерга кетмайдими? — деди негадир хўрсиниб.

— Йўқ, улар тоғ бағрида туғилади, ўсади, яна шу ернинг ўзида хазон бўлади, — дедим унга.

— Тушундим, — деди у бирданига билағонлик қилиб. — Мен сизни қандай яхши кўрсам, улар ҳам ойисини шунча яхши кўришар экан-да...

Мен унга ҳайрат билан узоқ қараб қолдим. Наздимда боланинг мусаффо қалбига **Ватан садоқати** ҳақида тушунчанинг ибтидоси шу тахлит ўчмас бўлиб ёзилиб қолди.

САБОҚ

ҲАЛИ кўча чангитиб юрган бола эдим. Оиланинг кенжаси эмасманми, онам қаерга борсалар бирга борар эдим. Кечқурун ҳам хориб-чарчаб фақат онамнинг ёнларида ухлаб қолардим.

Бир куни эрталабдан йўлга тушдик. «Чиройлик кўйлакларингни кийиб ол, катта тоғажонингни кўриб келамиз», — деди онам. Қувониб кетдим. Чунки тоғамнинг қизи ўзимнинг тенгдошим. Маза қилиб ўйнайдиган бўлдик-да. Онам йўл бўйи уқтириб келдилар! «Туполон қилмагин, каттадардан берухсат дастурхонга қўл чўзмагин, ўзинг яхши қизсан, ҳар эҳтимолга қарши айтиб қўйдим, хўпми?»

Мен онамнинг гапларини индамай тинглаб бораверардим. Тоғамнинг уйидагилар бизни кўриб роса хурсанд бўлиб кетишди. Тоғамнинг хотини иссиқ нон ёпаётган экан, бир зумда дастурхон ёзди, ноз-неъматларни ўртага тўлдириб ташлади. Ноннинг хушбўй исини туйиб, ажиб дастурхонни кўриб қорним очганини сездим чоғи... Онамга кўзимдаги ифода ёқмади чоғи, секин ўзим тушунадиган қилиб қараб қўйдилар. Мезбонлар эса атрофимда парвона.

— Кеннойи, болаларингиз бирам тортинчоқ, ол деса ҳам ҳеч нарса ейишмади, — деди тоғамнинг хотини куйиниб.

— Боланинг ўзи азиз, ўзидан одоби азиз, — деди онам аста. — Ҳамма нарсага болаликдан кўниккан маъқул-да... Ўзига осон бўлади.

Онам шундай деб иссиқ нондан бир бурда ушатиб бердилар. Алла-паллагача ўтириб, сўнг уйга қайтарканмиз, онам миннатдор қиёфада: «Ҳамиша ёдингда бўлсин, қизим, — дедилар. — Қорнинг оч бўлса ҳам бировнинг дастурхонига назар солма. Бошингга қилич келса ҳам ёлғон гапирма. Яна бировнинг нинасига бўлса ҳам хиёнат қилма. Худо кечирмайди».

— Хиёнат қандай бўлади, онажон, — дедим хайрон бўлиб. — Катта бўладими, кичик бўладими?

— Оҳ, болажоним-а, — деди онам ўйчан. — Унинг каттаси ҳам, кичиги ҳам бўлмайди. Фақат у қора рангда бўлади.

Кейинчалик билсам, онам мени катта ҳаётга шу тахлит учирма қилган эканлар.

ҚЎШНИ ҲАҚИ

ҲАНУЗ кўз ўнгимда. Катта анҳор, улкан тегирмон қошидаги маҳалламиз одамлари бир-бирлари билан ниҳоятда оқибатли эдилар. Қўшниларимиз ҳам бир-бирлари билан гап-сўзи чиқмаган диёнатли, инсофли одамлар эди. Уларнинг орасида бир аёл бор эди. Биз болалар уларни Ҳиммат кеннойи деб чақирар эдик. Куннинг ҳоҳлаган қисмида биз у даргоҳга тортинмай кириб чиқардик. Кўзларидан чексиз самимият, юзларидан доимо нур ёғилиб турадиган бу қўшнимизни онам бениҳоя қадрлардилар. Бирор кун йўқ эдики, уларсиз овқат томоқларидан ўтса... Ҳушбўй ялпиз сомсалардан тортиб, лаззатли ширгуручларгача сопол косаларда икки хонадон ўртасида бориб келарди. Бир куни негадир эриндим шекилли, бир кун овқат обормасак нима қилибди, деб хархаша қилдим. «Сенга нима бўлди, болажоним, — дедилар онам астойдил хафа бўлиб, — қўшнининг ҳам ҳақи бўлади. Уни бермасак бўлмайди. Уйда қолди ҳам дейлик, аммо у қандай қилиб менинг томогимдан ўтади?»

Ҳиммат кеннойимиз тўсатдан оламдан ўтганда онам қаттиқ куйдилар. Биз болалар эса довдираб қолдик.

— Оҳ, шундоқ қўшнимдан айрилдим-а. Тилла эди-я, тилла. Бир майизни тенг бўлишиб ейдиган қадрдоним эди-я...

Ўша куни сопол косадаги қўшни ҳақи ҳам мунғайиб қолди. Мана йиллар ўтди. Туз-насиба тортиб кўп жойларда бўлдим. Кўп қўшниларни кўрдим. Одамлар орасидан ҳамиша онамнинг қўшнилари каби беғубор, садоқатли қўшниларни доим изладим.

Болаликдаги кўрган-кечирганларни тошга ўйилган муҳр каби қиёслашади. Бўлса бордир. Аммо кўз ўнгимда доимо бир манзара Ҳиммат кеннойимизнинг қўшдек иссиқ чеҳралари жилваланаверади. У киши менга тандирдан гоҳ иссиқ сомса, гоҳ қайноққина нон узиб берадилар. «Чопақол. Меҳри опамга олиб бор, иссиқлигида еб олсинлар», — дейди. Негадир кўзларимга ёш тўлади. Исмингиз Ҳимматмиди ёки **Садоқатмиди**, кеннойи, деб сўрагим келади...

ҚАДР

ЭСЛОЛМАЙМАН, қачон кечди бу суҳбат? Бир гуруҳ меҳмонлар чиройли дастурхон атрофида ўтириб, тарихдан, дунё янгиликларидан, турли халқлар ҳаётидан суҳбат қуракетишди. Гурунг жуда гўзал, қизиқарли эди. Онам сеча бир чеккада бизга жимгина қулоқ солиб ўтирардилар. Суҳбатдошларимиздан бири яқинда чет эл сафаридан қайтиб келганини айтиб, таассуротларини ҳаяжон билан ўртага тўкиб солди. Кимдир хайратланди, кимдир ҳавас қилди. Онам бўлса бир оғизгина: «Яратгандан сўранглар, ўлгунимизча ўз юртимиздан қўймасин, болаларим», — дедилар оҳиста.

Даврага сукунат чўкди. Менинг кўз ўнгимдан эса бир зумда она юртимизнинг бетакрор боғлари, яшил токзорлар халқасида жимирлаётган она қишлоғим, ҳовлимиздаги «мункиллаб қолган» кекса тут, чанга ботиб, иштонсиз югуриб юрган қорақура болакайлар ўтди. Онам бўлса беихтиёр ҳаммамизга садоқатнинг яна бир оппоқ ранги борлигини эслатиб қўйган эдилар. «Ватанни севмоқ иймондандир», — дерди онамнинг нигоҳлари. «Қўксингда **Ватанинг бўлмаса**, унга **садоқатинг** бўлмаса, сен ҳеч киммассан, — дерди онамнинг кўзлари.

Давра аҳли буни сўзсиз тушунди...

ИМТИҲОН

БИР куни болалар билан тоғнинг анча ичкарисига кетиб қолдик. Тоғ тонг нурларига қоришиб беқиёс гўзал эди. Шабаданинг ипак қўллари юз-кўзларингизни меҳрибонлик билан силаб, вужуддаги хорғинликни катта кенгликларга сингдириб юборар, тиниқ самода тўрғайлар чарх уришар, қалбимиз бир мусаффо ҳислардан энтикарди. Шунда бирдан ер қимирлади. Тоғ гўё улкан бешикдек чайқалди. Қоялар денгиздаги кемалардек бир қалқиб яна жойига қайтди. Тоғ гуллари назаримда гужанак бўлиб, бир-бирларига бир суялиб, бир ажралдилар. Арчалар, турли дарахтлар бир нафас бўлса-да, бир-бирларига елка тутгандай бўлди. Кейин яна қадларини тиклаб, ўз ҳолига қайтдилар. Табиатни ўйчан сукут қоплади. Бироз саросимага тушган болалар эса индамайгина ўтирардилар. Шунда кичкинам, «Ойижон, ер қимирлаганда гуллар бир-бирларининг қўлларини ушлаб олди-я», — деди. Индамадим. Шу пайт тоғ ортидан ярқираб қуёш чиқди. Наздимда булоқлар қиқирлаб юборгандай бўлди. Майсалар бир-бирларига қараб жилмайиб қўйди. Дарахтларнинг боши баландроқ кўтарилди. Атроф яна булбулларнинг чах-чахига тўлди.

Чамаси, табиат ҳам бир синовдан ўтди.

ОҒРИҚ

БИР куни... жонимни бир алам ўртади. Мен дўст деб ишонган кимса нон-тузга хиёнат қилди. Руҳим қушлари азоб ва изтиробнинг кўринмас қўлларида эзилди. Кўзларимдан беихтиёр алам сочилди.

Ўнг деб ўйлаганим тушлар қулади,
Ишончим тоғидан ҳушлар қулади.
Кўксимга ярадор қушлар қулади,
Сен мени арзонга сотдинг-а, эй дўст.
Ипак деганларим бўз бўлиб чиқди,
Меҳр қоғоздаги сўз бўлиб чиқди.
Бол деб ўйлаганим туз бўлиб чиқди,
Сен мени арзонга сотдинг-а, эй дўст.

Руҳ қушининг қанотлари қирқилди. Юракнинг ям-яшил боғида хазонрезги бошланди.

Хиёнатинг билан қийналди жоним.
Нафратдан қорайди тиниқ осмоним.
Аммо бутун қолди тоза имоним.
Сен мени арзонга сотдинг-а, эй дўст.

Эгнига қоп-қора либос кийган Ишонч олдимга келди. У бошини эгиб юракдан узр сўради. Сўнгра орқасига қарай-қарай кўзларида ёш билан билмам қайларга, аммо жуда олисларга кетди. Абадиян кетди.

Чечакли юрагим энди гўё дашт,
Хаёлларим тўзғин, ҳаёлларим ғаш.
Наҳот сенга меҳрим бир умр абас,
Сен мени арзонга сотдинг-а, эй, дўст.
Сен мени арзонга сотдинг-а, эй, дўст.

Кейин билсам **хиёнат** юрак деворларини ўпириб юборувчи қора тўлқин экан.

МУСОФИР

УНИ биз қаттиқ иззат қилдик. Юртимизга меҳмон деб, илми толиб деб. Лозим бўлса, оғзимиздаги ошимизгача тутдик. Қаттиқ ишондик. У аввал ўзининг яхши эканлигига, бизни ишонтирмоқчи эканлигига рағбатини кўриб, ишондик ҳам. Мослашиши учун имкон бердик. Вақт ўтгач эса у ўзининг асл ҳолатига аста қайта бошлади. Биз бунга ҳам имкон бердик. Энди бизнинг фазилатлар унга камчилик бўлиб кўрина бошлади. Аввал ҳайратландик. Муросага чақирдик. Аммо... кейин қарасак, бизнинг улкан қувонч ва дардларимизга у тамом бегона экан. Шунда уни аввал ўзига дўст тутган Юрак бирдан сесканди. Совуқ тўлқинларга бир чўмилиб олгандай бўлди.

Мусофир яна ўз ҳолига қайтди. У Юрак учун яна мусофирлигича қолди.

ЯНА ОНАМ ДЕЙДИКИ...

— ЁШИМ бир жойга бориб қолди, болам, — дейди онам ҳар сафар кўргани борганимда. Энди кетар манзилимга ҳам озгина қолди. Худога шукур ҳаммаларингни меҳнатда қадоқ бўлган шу қўлларим боқди. Харом луқма едирмадим. Бировнинг кўнглига озор бермадим. Ҳақига ҳиёнат қилмадим. Кўпнинг дуосини олдим. Сен ҳам доим дуо ол. Яратгандан юртнинг тинчлигини, осойишталигини сўра. Одамлар орасидан оқибат кўтарилмасин. Қани, қўлингни оч: олгину олдирмагин, тўлгину тўкилмагил, дўстга зор, душманга хор бўлмагин» ...Уларни тинглайвераман. Вужуддаги Юрак деган дарёнинг шовиллаши тобора кучаяверади. Тўлқинлар бир-бирларини иноқ қучиб Садоқат қирғоқлари томон йўл олади.

Ҳиёнат қирғоғига сира йўлинг тушмасин, ЮРАК!

Бокс бўйича XVIII Осиё биринчилиги давом этмоқда

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖАНГЛАР ОЛДИНДА

• ИККИТА НОКДАУН ҒАЛАБАГА ЕТМАДИ • ҲИСОБ 6:6 БЎЛГАНДА... • БОКСДА ДУРАНГ БЎЛМАЙДИ • МУТАСАДДИ ВА МУХЛИСЛАР МУЛОҲАЗАЛАРИ



КЕЧА «Алпомиш» спорт саройида давом этаётган Осиё биринчилиги ишторокчилари ярим финал мусобақаларини ўтказдилар. Ватандошларимиздан Темур Туляков, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Наримон Отаев, Карим Тўлаганов, Дилшод Ёрбеков ва Руслан Чагаевлар рингга чиқдилар. Номлари қайд этилган боксчиларимиз бронза медалларини нақд қилиб қўйдилар. Лекин бу натижа на боксчиларимизнинг ўзларини ва на мухлисларни қаноатлантиради. Номлари зикр этилган спортчиларимиз яна бир мартадан ғалабага эришсалар келаси йил Атлантада ўтадиган Олимпиадага йўлланма оладилар. Жаҳон миқёсидаги энг нуфузли ва обрўли бўлган Олимпиадада қатнашиш эса ҳар бир спортчининг орзусидир.

Бир ғалаба Аммо марра яқинлашган сари ана шу бир ғалабанинг салмоғи тобора оғирлашиб бормоқда. 9 минут давомида рингда ойлаб ҳатто керак бўлса йиллаб қилинган меҳнатнинг ҳосили олинади.

Рингда 71 килограммгача вазнлилар, тожикистонлик Абдумалик Ғаниев ва тайландлик Ван Хун Жуан. Вақти-вақти билан рақибининг зарбаларини қайтариб қарши ҳужумга ўтган Абдумалик Тайланд боксчисини икки бор нокдаунга учратди. Яна бир аниқ зарба — нокдаун бўлганида... соф ғалаба қозонарди. Лекин умумий 10:12 ҳисобида учрашувни бой берди. Электрон ҳисоблаш машиналари янглишмайди. Тайландлик боксчининг зарбалари ортиқ бўлиб чиқди. Шу ўринда бир нокдаун қиймати аниқ бир зарба сингари бир очко билан ҳисобга олинишини эслатиб ўтмоқчимиз.

Ватандошимиз Наримон Отаевнинг Филиппин боксчиси Роналд Чаез билан бўлган беллашуви ҳам кескин кураш остида ўтди. Рақиблар тенг очко тўпладилар. Ҳисоб 6:6. Бироқ боксда дуранг деган гап бўлмайди. Ҳакамлар рингда рақибига қараганда фаолроқ ҳаракат қилган Ўзбекистон боксчисини ғолиб деб топдилар.

71 килограммгача вазнлилар баҳсида Ўзбекистон вакили Карим Тўлаганов ва туркманистонлик Шуҳрат Қурбоновлар рингга чиқадилар. Карим биринчи бўлимда кўпроқ очко тўплай олди. Лекин иккинчи раунд ўрталарида жароҳат олди. Ҳакам вақти-вақти билан учрашувни тўхтатиб, жароҳатни кузатиб турди. Ана шундай пайтда тўғри йўл тутган Карим Тўлаганов рақиби билан яқинлашмасликка ҳаракат қилди. Аксинча Шуҳрат Қурбонов эса жароҳатни мўлжалга олар ва уни кучайтириб шу йўсин билан тезроқ ғолиб бўлишга уринарди. Унинг бу нияти амалга ошмади. Кескин курашда ҳамюртимиз 8:7 ҳисобида ғолиб келиб, ярим финалга чиқди.

Биз Тошкент чемпионати ҳақида унинг мутасаддилари ҳамда мухлислар фикрлари билан қизикдик.

Анвар ЧАУДРИ: Жаҳон ва Осиё бокс федерациялари Президенти:— Энг аввало мусобақани ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтаётганини қайд этмоқчиман. Қолаверса Ўзбекистон боксчилари менда яхши таассурот қолдиряпти. Умуман Осиё бокси жуда тез ривожланиб ва такомиллашиб бораётганлигини таъкидламоқчиман. Хусусан, Қозоғистон, Хитой, Япония, Тайланд жамоалари сафида кучли ва иқтидорли боксчилар кўплиги қувонарлидир.

ВЛАДИМИР ШИН: Осиё бокс федерацияси вице президенти, Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийси! Қура 51 килограммгача вазнда икки кучли боксчини чорак финалда рўбарў қилди. Қозоғистонлик Болот Жумадилов Японияда ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам Ҳикматулла Аҳмедовни мағлубиятга учратганди. Бу сафар ҳам кучлилик қилди. Болот Жумадилов мазкур вазнда ғолиб келса сира ажабланмайман. Негаки, ҳозир 51 килограммгача вазнда ундан кўра кучли боксчи йўқ.

— Жамоамизнинг бошқа аъзолари ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбекистон боксчилари ҳақида галиришдан олдин Осиё боксига бир назар ташлаш лозим. Кейинги йилларда Хитой, Тайланд, Корея, Филиппин хусусан Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг боксчилари савияси ва маҳорати анча ортган. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак мазкур учрашувда Ўзбекистон вакилларининг қўлга киритаётган ҳар бир ютуғи қанчалик салмоқли эканлиги равшан бўлади. Албатта биз ҳам, сиз, шунингдек мухлислар ҳам кўпроқ вакилларимиз финалга чиқишини хоҳлади. Лекин буни рақибларимиз ҳам истайди...

— Набираларим билан Байтқўрғондан боксни томоша қилгани келдик, — дейди меҳнат фахрийси Жўра ОРТИҚОВ. Жўрабой аканинг набиралари Шуҳрат ва Равшанлар футбол ҳамда боксга қизиқишар ва ўзлари ҳам ана шу спорт турлари билан шуғулланишар экан.

— Ҳикматулланинг ғалабасига қатъий ишонгандим, — дейди унинг маҳалладоши, салкам 70 ёшли отахон Расулбек ҲАКИМБОЕВ. — Начора, ютқазиб қўйди. Лекин Ҳикматулланинг ғалабалари ҳали олдинда, деб ўйлайман.

Ҳа, «Алпомиш» спорт саройида давом этаётган беллашувларни ёшу-қари катта қизиқиш билан томоша қилмоқда. Улар эртага бўладиган финал олишувларни кутиш билан ўзларича ҳар бир боксчининг тажрибаси ва имконини чамалаб кўришмоқда. Ана шу тахминлар қанчалик тўғри чиқаркин? Бу саволга эртага кечқурун жавоб оламиз.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

Маданият янгиликлари

ТАҲСИНГА САЗОВАР БЎЛИШДИ

Японияннинг Сендай шаҳрида ёш созандаларнинг П.Чайковский номидаги иккинчи халқаро танлови бўлди. Унда жаҳоннинг 56 мамлакатидан иқтидорли ёшлар иштирок этди. Ана шундай нуфузли анжуманда республикамиздан олти нафар мусиқачи қатнашгани ҳам мустақил мамлакатимизда иқтидорли ёшларга эътибор кучли эканлигидан дарак беради. Ҳамюртларимиз ўта талабчан танловнинг икки босқичидан зўр муваффақият билан ўтишди. Айниқса В. Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб — интернатнинг ўқувчилари Дилшод Назаров, Алексей Гунько ва Ургенч мусиқа мактаби талабаси Комил Мусаевларнинг маҳорати ҳайрат аъзоларининг юксак таҳсинига сазовар бўлди.

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Дўст билан обод уйинг» деб номланган байрам ўтказилди. Унда республикамизда фаолият кўрсатаётган қозоқ, корейс, рус, уйғур, ўзбек маданий марказлари вакиллари қатнашди. Байрам давомида миллий анъаналар, урф-одатлар намойиш этилди. Халқлар дўстлиги, тинчлик, бахту-иқболимизни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар янгради.

Б.МАНСУРОВ.

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг

ЯНА УЛКАН БАЛИҚ ҲАҚИДА

Бургали кўлидан Тошкент денгизига ўтиб кетган улкан балиқ ҳақидаги шов-шувлар атрофида янги-янги миш-мишлар чиқмоқда. Тошкент сув омборидан фойдаланиш ва эксплуатация бошқармаси бошлиғи Муҳр ака Маматқулов миш-мишларни давом эттириб шундай деди:

— Денгиздаги улкан балиқ ҳақидаги шов-шувлар Сурхондарёга ҳам етибди. Бир кун кўприк устида машинасини созлашга тўхтаган меҳмонлар мендан шу ҳақда сўрашди. Ҳақиқатан улкан балиқнинг пайдо бўлишига асослар бор. Тарихдан маълумки, денгиз сти олдин қишлоқ, ҳатто шаҳар, унда қирқта тубсиз қудуқ бўлган. 1900 йилда бир қудуқдан икки метрли балиқни аранг чикариб олишган. Қарияларнинг эслашича унинг бошини ўзиёқ бир катта қозонга жо бўлган. Балки ҳозирги улкан балиқлар ана шу тубсиз қудуқларда кўпайган жониворлардир.

Катта балиқ ҳақидаги миш-мишларга баъзилар ишонишяпти, айримлар эса... Лекин кўрган билганлар, эшитганларнинг гапига қулоқ солсак гумонлар ҳақиқатга яқин эканлигига ишонч ҳосил бўляпти.

***

Денгизнинг қоқ ўртасидаги Киндик тепа атрофида балиқ овлаётган тошкентлик Артем Васильев ҳайратдан ёқа ушлади. У қармоғини узоққа отиб ўтирганди, бирдан қармоғи жиринглаб қолди. Ҳарчанд уринмасин у қармоқни тортиб ололмади. Йирик балиқ ўлжа билан бирга ип (жилка)ни ҳам узиб кетган эди. Сал нарида балиқ сув юзига бир сапчиди-да, ғойиб бўлди...

У. ҲАМИДОВ,
Ўртачирчиқ тумани.

Бу — қизиқ

АФСОНАВИЙ ОЛМОСЛАР

«КОҲИНУР» — Жанубий Ҳиндистонда топилган ва дастлабки пайтда вазни 800 карат бўлган. Кўп асрлик тарихи мобайнида шарқнинг бир неча хукмдорлари қўлидан қўлига ўтиб фақат бахтсизлик келтирган. 1850 йили Англия қироличаси Викторияга ҳадя этилган. Кейин бу тош, афсуски, нобоп қирраланиб ўзининг аввалги шуҳратини йўқотган.

«РЕГЕНТ» — 1701 йил машҳур Партиаль олмос конларида топилган, 410 карат оғирликда бўлган. 1722 йили Франция қироли Людовик XIV га тож сифатида ясаб берилган. Француз инқилоби бошланган пайтда қиролнинг бошқа тож-тахтлари билан бирга ўғирланган, аммо ўғрилар кейин сотиш мақсадида қолдириб кетишга журъат этганлар. Сўнг олмосдан Наполеон фойдаланган. У ўз юришларини кераклн ҳамма нарсалар билан таъминлаш учун олмосни гаровга берарди. Ҳозир у Луврдадир.

«ОРЛОВ» — Жанубий Ҳиндистонда XVII асрда топилган. 300 карат оғирликда бўлган. У бирмунча катта олмос парчаси эди, ҳозиргача дастлабки ҳиндча қирраланган ҳолатини сақлаб қолган. Шу сабабли жуда катта тарихий қизиқиш уйғотади. Ривоятга кўра, олмос Мадорас яқинидаги ибодатхонада узоқ вақтгача Будда ҳайкалининг кўзи бўлиб турган. Лекин XVIII аср бошида француз аскари ўғирлаб кетган, кейин Лондонга бориб қолган. 1773 йили князь Григорий Орлов уни армани савдогардан сотиб олган ва аёл император Екатерина II га тақдим этган. Сўнг олмосни Россия салтанат хассасининг юқори қисмига ўрнатиб қўйишган (суратга қаранг).

«ШОҲ» — XVI асрда Голконда конларида топилган, соф олмосга ўхшамайди, сарғиш тусга эга. Шуниси доимо ҳайратлантириб келганки, бу тошнинг учта қиррасига Эрон подшоларининг номлари ўйиб ёзилган. Қадимий усталар оддий иш қуролида бундай ёзувни битиши учун мислсиз чидам ва сабот керак эди. Олмосни Эрон хукмдорлари Ҳиндистонда қўлга туширган. Пировардида уни шаҳзода рус элчиси ўлдирилганда товон тариқасида Россия хукмдорига берган. Ҳозир «Шоҳ» Москвададир.

«КУЛЛИНОН» — дунёдаги барча олмосларни бу улкан тош билан таққослаб бўлмайди. У Трансваалда «Премьер» кони тубидан топиб олинган. Дастлаб тош 3106 метр карат (621,2 грамм) бўлган. Шаклига қараганда у бундан ҳам каттароқ олмоснинг бўлаги хисобланади. 1908 йили улкан кристаллни Амстердамда иккига бўлишган. Кейин эса бир неча бриллиант ясашган. Улар Англия қироллиги салтанатининг фахри бўлиб қолган.



Ҳар тўғрида

КИМ УЗОҚ ЯШАЙДИ?

ХУШФЕЪЛ одам кўп яшайдими ёки баджахилларми?

Бу ҳам қизиқарли бир муаммо. АҚШдаги Калифорния доирлфунунининг олимлари бу муаммони ўрганишга уриндилар. Улар 1200 нафардан ортиқ, феъл-атвори бир-бирига зид эркаклар ва аёллар устидан тадқиқот олиб бордилар. Бу ўрганиш асримизнинг 20-йилларидан бошлаб ҳар беш йилда бир марта сухбат ўтказиш шаклида давом этди.

Кўп йиллик изланишлардан сўнг олимлар шундай хулосага келдилар: болаликдан бахтли бўлган, хожатбарор кишилар тўрт-беш йил ортиқ умр кўрар эканлар. Ҳатто, спиртли ичимликлар ичиш ва қашандалик бундай кишиларга худбинларга нисбатан камроқ таъсир қиларкан.

Шу тадқиқотлар натижасида ота-онанинг бир-биридан ажраши болалар ҳаётини бир неча йилга қисқартириши ҳам аниқланди. Оилали кишилар, айниқса, агар никоҳ барқарор бўлса, сўккабошларга нисбатан узоқ умр кўради, деган фикр ҳам яна бир бор амалда тасдиқланди.

ҚУЁНЛАРГА ҚИРОН КЕЛТИРДИ

БИР ВАҚТЛАР Австралияда шалпанқулоқ қуёнлар шу қадар кўпайиб кетиб, бутун бир қитъага катта хавф сола бошлади. Чунки бу жониворлар қитъа ўсимликлар дунёсини худди чигиртка тўдалари каби паққос тушириб йўқ қилиб ташлаши мумкин эди.

Шундай шароитда биологлар ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бир усул ишлатдилар. Улар ўз лабораторияларида чивинларни қуён қушандаси — миксоматоз вируси билан зарлаб, қўйиб юбордилар. Учар «шприцлар» озодликка чиққач, ўз ишларини қилди. Орадан 10 кун ўтмасданоқ деярли барча қуёнлар қирилиб кетди. Бу зарарли вирусларнинг инсонга қилган бирдан бир яхши хизмати бўлди, деб таъкидлашди мутахассислар. Аслида эса улар фақат ёмонлик келтирган ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда.

ТАШКИЛОТ
ТУРЛИ ХИЛ ҚОҒОЗ ВА КАРТОНЛАРНИ СОТАДИ ҲАМДА СОТИБ ОЛАДИ.
Шунингдек ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СОТИБ ОЛАДИ ВА СОТАДИ.
Телефонлар: 41-55-43, 41-53-04.

Тошкент вилояти Пискент тумани ХТБ томонидан Г. Э. Суюнова номига берилган 007406 рақамли йўқолган аттестат БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Руйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0439. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6